

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**модули бўйича  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 247- сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

Н.А.Шермухамедова,  
ЎзМУ профессори, фалсафа  
фанлари доктори

**Тақризчи:**

ф.ф.д., проф. Н.Х.Ҳакимов  
ф.ф.н., доцент Д.М.Бозаров

*Ўқув-услубий мажмua ЎзМУ кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори  
билин нашрға тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	20
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР .....	101
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	103
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	105
VII. ГЛОССАРИЙ .....	107
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	93

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “**Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари**” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Фалсафа фанини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Евropa, Америка кўшма штатлари. Осиё давлатларнинг фалсафа фанини ўқитиши жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигохларида чоп этилган дарсликлар, ўкув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги фалсафа фанининг ютуқлари билан танишишади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

#### “Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари” модулини ўқитишидан мақсад:

Жамият тараққиётининг барча даврларида инсоннинг маънавий маданиятини шакллантиришда таълим ва тарбиянинг аҳамиятини очиб бериш, узлуксиз таълимни ташкил этишнинг инсоннинг касбий ва шахс сифатидаги камолотининг омили сифатидаги заруратини ўрганиш, дунё мамлакатларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш ва уларнинг энг муҳим жиҳатларини миллий таълимни ташкил этишда қўллаш таълимнинг ижтимоийлашувининг ижтимоий тараққиёт ва дунёда тинчликни сақлаш кафолоти сифатидаги аҳамиятини

таҳлили этиш.

## **Модулнинг вазифалари**

### **ТИНГЛОВЧИ:**

таълим ва тарбия тизимини ривожланиш тенденциялари, унинг дунёкарашни шакллантирувчи омил сифатидаги аҳамияти;

таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг республикамиз ва хорижий мамлакатлар ривожига қўшилаётган муносаб ҳиссани;

таълим фалсафасининг предмети ва унинг ўрганишга илмий ижодий ёндашувнинг амалий аҳамиятини;

таълим фалсафасининг инновацион тизим сифатидаги ривожланиши;

таълим жараёнини таснифлашда назария ва амалиёт бирлиги асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини **билиши керак**.

### **ТИНГЛОВЧИ:**

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;

машғулотларни олиб боришда кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;

### **ТИНГЛОВЧИ:**

ҳозирги замон таълим фалсафа фани, унинг таркиби ва тизимидағи ўзгаришларни амалда қўллаш;

таълим фалсафаси фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажратадиган олиш;

таълим фалсафаси фанида эгалланган билимларни амалий ҳаётда тадбик этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **ТИНГЛОВЧИ:**

таълимнинг ижтимоий маданий институт сифатидаги роли тушунчаларни амалиётда қўллаш;

таълим инновациялари ва инновацион таълим, таълимнинг инсонпарварлашувида субъект ва жамоанинг мақсадларини уйғунлаштириш

**компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти янги модул бўлганлиги туфайли таълимнинг инсон маънавиятини шакллантиришнинг бош омили сифатидаги аҳамиятини тарихий манбаларни ўрганиш ва уларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятига оид материалларни тушуниши ва улардан амалиётда фойдаланиши мақсадга мувофиқ.**

Курсни ўқитиши жараённида кичик гурухларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун таълим фалсафаси

фанини ўқитишида республикада ва хорижда нашр қилинган адабиётларнинг таҳлили асосида замонавий таълимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратилади. Республикализнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик талаб этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари”** модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (касбий компетентлик ва креативлик, замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда фалсафа таълим йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш самарадорлигини оширида таълим фалсафаси фани доирасида эгалланган билимлар илғор педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш жараёнида муҳим аҳамиятга.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда **“Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари”** ўқитишини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда “Таълим фалсафаси” фани соҳасидаги ютуқлар унинг истиқболларини таъминлашга ижтимоий гуманитар фанларнинг мазмунини бойитишга ҳизмат қиласи.

#### **“Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари” модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустакил таълим</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	Аудитория ўқув юкламаси			<b>Жумладан</b>		
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>			
1.	Таълим фалсафасининг вужудга келиши	4	4	2	2			
2.	Таълим соҳасидаги ислоҳотлар	4	4	2	2			
3.	Олий маълумотли ёш мутахассис образи ва олий мактабнинг таълим жараёнидаги роли.	6	6	2	4			

4.	Таълим жараёнида қадриятлар тизими	6	6	2	4		
5.	Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашуви	8	6	2	4		2
	<b>Жами: 30 соат</b>	28	26	10	16		2

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Таълим фалсафасининг вужудга келиши.**

Таълим фалсафасининг вужудга келиши, предмети ва вазифалари. Миллий фаровонликни яратиш манбалари. Миллий таълим тизимлари. Дунё таълим маконининг шаклланиш босқичлари. Шарқ таълим тизимининг Европа таълим тизимидан фарқи ва ўзаро алоқадорлиги. Таълимнинг ижтимоийлашувининг хозирги давр инсонини тарбиялашдаги аҳамияти ва зарурати. Тавълимни ташкил этишда халқаро ташкилотлар тажрибасининг устивор йўналишлари.

### **2-мавзу: Таълим соҳасидаги ислоҳотлар.**

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмуни. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Болония декларацияси билан уйғунлиги ва фарқли жиҳатлари. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммолари.

### **3-мавзу: Олий маълумотли ёш мутахассис образи ва олий мактабнинг таълим жараёнидаги роли.**

Таълим жараёнида қадриятлар тизими. Кадрлар тайёрлашда гуманитар таълимнинг аҳамияти. Ўзбекистонда гуманитар таълимни ташкил этишинниг зарурати ва бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари. Олий таълим элитар таълимнинг олий босқичи. Таълим тизимида “Ўқитувчи-талаба” муносабатларидаги зиддиятлар. Устоз шогирд тизимини ташкил этишинниг устивор йўналишлари ва унинг зарурати.

### **4-мавзу: Таълим жараёнида қадриятлар тизими.**

Таълим жараёнини таснифлашда назария ва амалиёт бирлиги. Таълимда инновацияларнинг типологияси. Инновацион шахс назарияси. Шахснинг инновацион ғояларининг ижтимоий амалиётда фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги. Инновацион шахс типологиясида кадрлар коррупциясининг амал қилишини бартараф этишнинг зарурати. Инновацияларнинг жамоа субъекти. Таълим тизимининг интеграциялашуви инновацион ёндашув сифатида. Мехнат таълими ва касбга йўналтирилган таълимнинг ижтимоий маданий аҳамияти.

## **5-мавзу: Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашуви.**

Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг роли. Интеграцилашган маҳсус курсларни ташкил этишнинг аҳамияти. Мамлакат раҳбаи маърузаларини ўрганиш бўйича ташкил этилган маҳсус курсларни ташкил этишнинг ижитмоий сиёсий аҳамияти. Таълимнинг ижтимоийлашувининг мотивацияси. Таълим тизимидағи ижтимоий тенгизликтини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва дунё амалиёти.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармок (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**0,8 балл.**

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермуҳамедова Н.А. Таълим фалсафаси.-Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

9. Ангеловски К. Учитель и инновации. М.: Наука, 1991. С.42.
10. Шермухамедова Н.А. Горизонты инновационного движения в современном отечественном образовании // Модернизация высшего образования и науки// Сборник научных трудов Алмаата. 2012
11. Shermuhamedva N.A. Ilmiu tadqiqot metodologiyasi -Т.: Fan va texnologiyalar, 2014.460 б.
12. Балабанов и.Т. Инновационный менеджмент. СП(б), 2000, 120 с.А.
13. Черепанов Н.В. Традиции и новации: социально-философский анализ. Автореф..... канд. филол. наук. М.: 2007, 13
14. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси.-Т.: Ношир, 2011
15. Шермухамедова Н.А. Социально-философский анализ стиля научного мышления.Дисс. докт филос. Наук -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2002
16. Шермухамедова Н.А. Фалсафа- ўқув услугий мажмуда. Т.: Ношир, 2012
17. Шермухамедова Н.А. Фан фалсафаси. Т.: Ношир, 2012
18. Шермухаммедова Н. Falsafa va fan metodologiyasi. Toshkent 2008 – 436 б
19. Энгельмайер П.К. Теория творчества. М.: Либроком, 2010, 208 с.

#### **Электрон таълим ресурслари**

20. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
21. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
22. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
23. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
24. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Ақлий ҳужум” методи**

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммолариининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

### **“ЛОЙИХА” методи**




“Лойиха” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯҳларда

белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим оловчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим оловчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиши ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим оловчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим оловчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим оловчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



### “Лойиха” методининг босқичлари

#### ИЛМИЙ МАҶОЛА ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Таълим оловчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу ҳусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўз илмий маҷолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)

#### “Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маъruzalар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг

тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тингловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослади, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

### **Намуна:**

Инсерт жадвали

## **“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР”**

V	+	-	?

“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуга оид түгилган саволлар

### **“Т-жадвал” методи**

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хулосага келинади.

### **Намуналар:**

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимнинг ўзига хос**

**хусусиятлари**


**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари**


**“Ўқитувчи-талаба” муносабатларидаги зиддиятлар**


### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу. Таълим фалсафасининг вужудга келиши

##### РЕЖА

- 1.1. Таълим фалсафасининг вужудга келиши, предмети ва вазифалари.
- 1.2. Миллий таълим тизимлари. Дунё таълим маконининг шаклланиш босқичлари.
- 1.3. Тавълимни ташкил этишида халқаро ташкилотлар тажрибасининг устивор йўналишилари.

Таянч

гуманитар таъсирларни излабланадиган

##### 1.1. Таълим фалсафасининг вужудга келиши, предмети ва вазифалари.

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал салоҳияти унинг маънавий баркамоллигида намоён бўлади. Маънавий баркамоллик эса таълим жараёнида шаклланади. Дарҳақиқат таълим – шахснинг касбий ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган билимларни олиш, йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш жараёни. Таълимнинг дастлабки босқичида шахснинг ижтимоийлашуви, юқори босқичларида эса, унга касбхунар ўргатиш вазифалари етакчилик қиласди.

Тарбия-ёш авлодни ижтимоийлаштиришни, мавжуд қадриятлар тизими ва хулқ –атвор қоидаларини фаол ўзлаштириш орқали реал ҳаёт тизимига жалб қилишни назарда тутади.

Таълим фалсафаси – онг ва тафаккурнинг таълим тизимини дунё миқёсида ҳис қилиш, баҳолаш, таҳлил қилиш, таққослаш, шунингдек шаклланиш ва ривожланиш жараёнида унга хос бўлган ўзгаришларни эътиборга олишга асосланган дунёқараш ёки олинган билимларнинг амалиётга татбифидир. Глобаллашув ва жаҳон ижтимоий майдонининг ўзгариши асида таълим фалсафасининг вазифаси давр руҳи ва талабларини акс эттириши лозим бўлган таълим тизимини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Таълим тизими, глобал ва миллий омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган муайян тарихий шароитда мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Таълим тизими бу уни ташкил этувчи таълим институтларигина эмас, балки тегишли давлат идоралари томонидан олиб борилувчи таълимга оид давлат сиёсати, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнининг моддий таъминоти, «жамият – шахс – давлат» муносабатларида манфаатларнинг муайян нисбати ҳамдир. Шу сабабли бир мамлакатда вужудга келган ва ривожланган таълим тизимини бошқа мамлакатга, ўзга тарихий шароитларга кўр-кўронча кўчириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам миллий таълим муассасаларида вужудга келган ижсобий анъаналар, тўпланган тажриба, шаклланган илмий мактабларни сақлаши мухим аҳамият касб этади.

Таълим ва фан бугунги кунда нафақат, маданий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт омили, балки халқаро муносабатлар воситаси сифатида амал қиласи. Бу босқичда юқори малакали мутахассисларнинг истиқболли илмий йўналишларида ахборот алмашиш дунё мамлакатларининг ютуқларининг асосий шарти ҳисобланади.

Маънавий камолот ва ахлоқ, ақл-заковат ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини намоён қилиш асосан таълим жараёнида юз беради. Дунёning «глобал муаммоларини» бартараф қилишга ҳаракат қилинаётган ҳозирги даврда таълимнинг сифати бу мақсадларга эришишда муҳим омилга айланади. Шу сабабли таълимнинг сифатини оширишга интилиш, интеграциялашаётган минтақалар учун таълим дастурлари ва андозаларини бир хиллаштириш, «бутун умр мобайнида узлуксиз таълим» стратегиясини амалга ошириш глобаллашув жараёнларининг янада чуқурлашуви ва такомиллашувида муҳим омилга айланмоқда. Бу ҳақда юргонбашимиз И.А. Каримов ”Таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узокни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидладилар.

Инсонни ҳозирги дунё воқелиги билан мос равишда яшашга ўргатиш – таълим тизимининг энг муҳим вазифаси. Бунда гуманитар таълим зиммасига алоҳида масъулият тушади, зеро янги авлоднинг дунёқараши унга боғлиқ бўлади. Мутахассисларнинг дунёқарашини тарбиялашда табиий-илмий ва техник таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви айниқса катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, *таълимнинг инсонпарварлашуви бу шунчаки ижтимоий гуманитар фанларнинг сони ёки ўқув соатларини кўпайтириши эмас, балки табиий илмий ва техник фаолият тизимига гуманитар билим норма ва қадриятларини киритиши, яъни табиий илмий ва техникавий билим мўлжалларини инсон манфаатларига хизмат қилдиришига йўналтиришидир*. Зеро инсонпарварлашув нафақат фанда кашифиёт яратиш, балки бу жараёнда инсоннинг олий қадрият эканлигини эътиборга олии демакдир.

Фаолиятнинг турли соҳаларида қарорлар қабул қилиш тизимларида гуманитар билимнинг улуши сезиларли даражада кўпайган шароитда мутахассислар гуманитар тайёргарлигининг торлиги етказадиган зиён улар эгаллаган лавозим даражасига тўғри пропорционал бўлади (инсон эгаллаган ижтимоий иерархия поғонаси қанча юқори бўлса, у шу даражада мураккаб, масъулиятли ва кенг дунёқарашни талаб этувчи вазифаларни ҳал қилишига тўғри келади). Шу сабабли таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви давр талабига айланади, бу соҳадаги дастурлар иқтисодий жиҳатдан айниқса самарали бўлади. Таълим тизими илмий тафаккурнинг барча ютуқлари ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиш билан бир вақтда доим келажакка қараб мўлжал олиши лозим. Таълим тизими ҳаёт эҳтиёжларини қай даражада тўла қондирса, жамият ҳаёти бошқа соҳаларининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фукаролик жамиятини барпо этишда устаҳкам пойdevordir // Халқ сўзи. 2009 6 декабрь № 237, - Б.2

ривожланишига унинг таъсири шу даражада кучли бўлади. Айни шу сабабли фан ва таълим тизими ўртасида вужудга келган тафовутни бартараф этиш замонавий таълимнинг қун тартибида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу таълим тафаккурни ижодий ривожлантиришни назарда тутишини англатади, зеро ҳаёт тинимсиз илгари сурувчи ностандарт вазифаларни фақат шу йўл билан ечиш мумкин. Демак, билимни муттасил янгилашга бўлган интилишни тарбиялаш таълимнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, глобал дунёқарашни шакллантиришни назарда тутади.

## **1.2. Миллий таълим тизимлари. Дунё таълим маконининг шаклланиш босқичлари.**

Кейинги йилларда таълим масалаларига қизиқишининг ортиши замонавий гуманитар прогресснинг келажагини таъминлаш билан боғлиқ бўлган таълим тизими ислоҳотларини тақозо қўлмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб кириш имтиҳонларини қабул қилишнинг тест тизимини амалиётга жорий этди. Олий таълим тизимига маблағ билан таъминлашнинг турли манбалари – давлат, нодавлат, жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиниши давом этмоқда. Пуллик-шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга банк кредитлари бериш амалиёти жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобал ўзгаришлар асрида ахборот ҳажмининг шиддат билан ўсиши анъанавий маъруза ўқиш шаклининг эскиришига олиб келди. Чунки мавжуд ахборотлар катта тезликда ўзгариб бориши уларнинг тез эскиришига сабаб бўлмоқда. Баъзи маълумотларга кўра муайян билимлар ҳар икки уч йилда эскиришга мойил. Бу эса, талаба эгаллаган билимининг мазмuni бироз вақт ўтиши билан ноаниқ бўлишига ёки эскиришига олиб келади. Шу боис, билимни идрок этиш, тушуниш ва катта ҳажмдаги ахборотни қабул қилиш имкониятини тезлаштирувчи янги таълим технологияларини яратишга эҳтиёж кучаймоқда. Янги ахборот технологияларидан фойдаланиш билим эгаллаш самараддорлигини камида 50-60% оширади. Демак, талабаларни ўқитиш жараёнини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, шунингдек маъруза ва семинар машғулотларини ўтказиши методикасини янгилаш талаб қилинади.

Бугун давлатимиз бу вазифани амалга ошириш борасида турли илмий тадқиқот муассасалари (кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи, катта илмий ходим)да ўқишини давом эттиришни ҳар томонлама рағбатлантироқда, ва амалий, инновацион, фундаментал илмий тадқиқод ишларини амалга ошириш учун етарли молиявий маблағлар ажратмоқда.

Бинобарин цивилизациянинг ривожланиши шу даражада жадал суръат олдики, бунда инсон глобал муаммоларни ҳис этмаслиги мумкин эмас. Таълим тизимини давр талабларига мослаштириш оламшумул муаммога, буни тушуниш эса – таълим тизимида давлат, жамият ва фуқаролар муносабатининг асосий белгисига айландики, бу таълим тизими миллий маҳсулотнинг ўз улушкини истеъмол қилувчи тизимдир деган тасаввурларга барҳам берди.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда таълимни жамиятнинг, бир томондан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсонни камол топтирадиган, бошқа томондан эса – дунёқарашни шакллантириш манбаи, жамиятнинг маданиятлилик даражаси кўрсаткичи ҳисобланадиган йирик тармоғига айланиш тенденцияси тобора бўртиброқ намоён бўлаётгани тасодифий бир ҳол эмас.

Мамлакат қудрати аввало таълим тизими билан белгиланиши аниқ-равshan тус олмоқда. Жамиятнинг таълим тизимига қараб жамиятнинг ўзи, унинг маърифатлилик даражаси ва келажаги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин, десак, асло муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, сўнгти йилларда жаҳонда юз берган воқеалар таълим тизими мамлакатнинг дунё миқёсидаги аҳамиятини янада бўртиброқ намоён этмоқда. Таълим миллий таълим тизимининг дунёда юз бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларига айниқса таъсирчан бўлган қисми саналгани боис, бунда у айниқса муҳим роль ўйнайди. Таълим тизимини давр талабларига мувофиқ ўзгартиришга қодир бўлмаган (ўзгартиришни истамаган, ўзгартиришга улгурмаган) мамлакат ривожланишдан орқада қолиши ва ҳозирги дунёда маргиналга айланиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай модернизация юксак технологияларни ўзлаштиришни тақозо этади, уларни эса фақат энг янги илмий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш мумкин. Фаннинг ривожланиши доим таълим тизими билан узвий боғлиқ бўлган, шу боис фаннинг роли тинимсиз ошиб бормоқда. Албатта, таълим илмий кашфиётлар сонини бевосита белгиламайди. Аммо таълим тизими, жамиятда илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш, олинган натижалардан амалда фойдаланиш имконини берувчи интеллектуал муҳитни яратади. Айни шу сабабли таълим тизимига миллий даромадни истеъмол қилувчи тизими сифатидагина ёндашиш ўринли бўлмайди, зеро бу соҳада илмий-техник ва ижтимоий тараққиётга замин яратилади. Шу туфайли ҳам Президентимиз Ислом Каримов томонидан таълим тизимини барқарорлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйганлиги, таълим мамлакат тараққиётининг муҳим омили эканлигидан далолат беради . Зеро, жаҳон тажрибаси давлат таълим тизимида тежамкорликка ҳаракат қилиши ҳеч қаерда ва ҳеч қачон иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминламагани ва муқаррар тарзда ижодий имкониятларнинг камайишига сабаб бўлганидан далолат беради. Дарҳақиқат, барча маърифатли мамлакатларда маданият, тиббиёт, ижтимоий таъминот ва таълим соҳалари асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади – бу соҳалар мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий генофонди ҳисобланади. Таълим тизими ўзининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларни ўзи топишига қараб мўлжал олиши инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини бузади (зеро университетда таълим олиш имкониятига жамиятнинг ўзига тўқ қатламларининг вакилларигина эга бўлади), бу эса турли ижтимоий қатламлар орасида аниқланувчи истеъдоллар сонининг камайишига олиб келади. Бундай таълим тизимида давлат кучли бўлиши мумкин эмас. Бу таълим тизими умуман пул ишламаслиги керак деган маънони англатмайди. Ҳозирги жамиятда таълим хизматлари анча қиммат туради. Аммо истеъдолларни ўз вақтида аниқлаш устувор аҳамият касб этиши

даркор. Бундан хулоса шуки, таълим тизими бакамол авлод тарбиясининг муҳим омили сифатида доим давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида туриши ва иқтидорли ёшларга имтиёзлар яратилиши лозим. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан биридир.

### **1.3. Тавълимни ташкил этишда ҳалқаро ташкилотлар тажрибасининг устивор йўналишлари.**

ЮНЕСКО Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан, маданият масалаларини ривожлантиришга ихтисослаштирилган ташкилоти булиб, у 1946 йилда ташкил этилган. БМТ иккинчи жаҳон урушидан кейин суверен давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида жаҳонда тинчшлиқ ва хавсизликни сақлаш ҳамда давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган. БМТ ўзининг тузилишига кўра Бош Ассамблея (Ялпи мажлис), Хавфсизлик кенгаши, Ҳалқаро судга эга. Булардан ташқари БМТнинг доимий амалда бўлган фаолиятини Котибият олиб боради ва унинг ишини Бош Ассамблея сайлаб қўядиган Бош Котиб бошқариб боради.

ЮНЕСКО фаолияти ута хилма-хил ва куп қирралидир. Унинг таълим соҳасидаги ишлари куп юналишларда олиб борилади. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда саводсизликни тугатиш, жаҳон таълими ривожланишидаги тенденсияларни таҳлил қилиш ва уни оммалаштириш, у ёки бу мамлакатда таълим буйиша олиб борилаётган сиёсатни ҳам моддий ҳам ма`навий рвғбатлантириш ва бошқалар.

ЮНЕСКО мазмунли таълимнинг ҳамма ушун бирдай имконият доирасида булишини та`минлаш, унинг узлуксизлигини қарор топтириш, таълимни ва унинг шаклини келажакда ривожланиши тамойилларидан келиб шиқади.

Ўқитувши кадрлар тайёрлаш, уларнинг назарий-амалий савиясини муттасил ошириб бориш, ба`зи мамлакатларда муаммо бўлиб ҳисобланган хотин-қизларнинг эркакларнинг билан тенг билим олиш хуқуқларини та`минлаш, экологик таълимни йўлга қўйиш, дарслик ва дастурларни такомиллаштириш, мамлакатлар ўртасида таълим бўйиша ҳамкорликни бутун шоарлар билан ривожлантириш ва жуда кўп бошқа масалаларни ҳал қиласди.

Бу фаолиятнинг баршаси ёшларга жаҳон талаблари руҳида таълим бериш, уларни ҳалқаро ҳамкорлик, ўзаро ишонш, дўстлик, биродарлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Фан ва технологияни ривожлантириш борасида ЮНЕСКО бир қатор давлатлараро дастурни амалга оширди. Бу дастур асосан, экологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир.

Ҳозирги дунёда миллатлар ва ҳалқларнинг маданий, тарихий меросларини, осори атиқаларини асраш, авайлаш, келажак авлодлар ушун уни сақлаш, таъмирлаш ишлари катта аҳамиятга моликдир. Бу масалада ЮНЕСКО асосий ўринни эгаллайди. Унинг рўйхатига жаҳон тарихий ёдгорликларининг ифтихори ҳисобланган Буюк Хитой девори, Лондон Тауери, Клименжародаги миллий парк ва бошқа минглаб об`ектлар киради.

ЮНЕСКО фаолияти таркибига яна ҳалқ оғзаки ижодиёти, фолклор,

уланлар, айтишувлар, мақомлар, халқ куйлари, лапарларни сақлаш ҳам киради.

Адабиёт буйиша ЮНЕСКОнинг роли айниқса салмоқлидир. Жаҳон адабиёти, унинг шоҳ асарлари, адабий мерос айниқса у томондан э'зозланиб, улар тупланади ва жаҳоннинг турли тилларига таржима қилиниб, босмадан шиқарилади ва тарқатилади.

**ЮНИСЕФ.** 1946 йилнинг 11 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг биринши сессиясида бир овоздан ЮНИСЕФ- БМТнинг Болалар Фонди номи билан таркиб топди.

ЮНИСЕФ ташкил топан дастлабки йилларда унинг маблағи урушдан қаттиқ жабрланган Европа ва Хитойдаги болаларга озиқ-овқат, доридармонлар ушун сарф қилина бошланди. 1950 йил декабрда БМТнинг бош Ассамблеяси ЮНИСЕФ ваколатини янада кенгайтирди. Унинг маблағлари ривожланаётган давлатлар болалари ушун сарфлана бошланди. 1953 йил октябридан БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФни узининг доимий органига айлантирди. 1960 йилдан у болалар манфаатини ҳимоя қилувши забардаст органга айланди.

1965 йилда ЮНИСЕФ Нобел мукофотига сазовор булди.

ЮНИСЕФ ҳозирда ҳам болалар манфаатини ҳимоя қилишга, уларни соғлом, билимли булиб усишига кумаклашиш, болалар улимини олдини олиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, лоақал болаларга бепул бошланғыш маълумот бериш, уларнинг фаровонлигини та'минлашга асосий э'тиборни қаратмоқда.

Бу ташкилот Ўзбекистонда ҳам уз инсонпараврлик фаолиятини олиб бормоқда. Унинг Республикаиздаги фаолиятининг асосий юналишлари оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларга керакли тиббий ёрдам курсатиш, тула қонли таълим бериш,, турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий кафолтларини ҳимоя қилишдан иборатdir. Турли касалликларнинг олдини олиш ушун ваксиналар келтирилмоқда.

ЮНИСЕФ таълимни амалга оширишга кумаклашишда фаол қатнашмоқда. Айниқса бу ташкилот мактабгаша тарбия ва бошланғыш таълимга купроқ юналтирилган. Таълим буйиша яна қатор дастурларни амалга ошириш лойиҳалари белгиланган.

**МОТ –халқаро меҳнат ташкилоти** биринчи жаҳон урушидан кейин роқ ташкил топган. Унинг мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат турмуш шароитини яхшилаш, иш билан та'минлашни юлга қўйиш, меҳнаткашларнинг жамият талабларига мос касб билан та'минлаш уларнинг касб маҳоратларини ошириш, иқтисодий аҳволини яхшилаш каби ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширишдан иборатdir.

Унинг ташкил этилишига биринчи жаҳон уруши оқибатида жаҳонда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳолат сабаб булди.

Орадан 25 йил утгандан кейин ХМТ нинг Филаделфия Конференсиясида унинг мақсад ва вазифалари кенгайтирилди, жаҳоннинг ривожланган, ривожланаётган давлатлари уртасида аҳолини меҳнат ва меҳнатга тайёрлаш буйиша кенг ҳамкорлигини юлга қўйиш масалалари энг долзарб масала деб қабул қилинди.

1946 йилдан ХМТ БМТнинг биринчи ихтисослаштирилган муассасасига айлантирилди. 1969 йилда у Нобел мукофоти билан тақдирланди. Унга а`зо мамлакатлар сони 170 га яқин.

У қуидаги вазифаларни бажаради:

1. Мехнаткашларнинг иш шароитини ва турмуш тарзини яхшилаш, ишга жойлаша олиш қобилиятини ошириш;

2. Халқаро меҳнат нормативларини жорий этиш, унинг қулланилишини назорат қилиш;

3. Профессионал тайёргарлик, ҳунар-техника таълими умумий тадқиқотлар, нашриётлар соҳасида фаолият курсатиш ва бошқ.

Ўзбекистон ХМТга 1992 йил 13 июлда а`зо булган. ХМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги фууароларни уз-узини иш билан та`минлаш; меҳнат тақсимоти, касбларга тақсимлаш масалаларида шет элларда малака ошириш; ахолининг кам та`минланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш; касб таълимини юлга қуиши юналишларида ривожланмоқда. ХМТ билан ҳамкорликнинг янги босқиши ва юналишларда ривожлантириш шоралари курилмоқда.

**АҚШНИНГ ТИНЧЛИК КОРПУСИ** - АҚШ президенти Жон Ф.Кеннеди 1961 йилнинг 1 марта узининг маҳсус фармони билан Тинчлик корпусини ташкил этди. Унинг вазифаси бир-бирини ўзаро тушуниш орқали ҳар хил миллат кишиларининг ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаштир. Тинчлик Корпуси – АҚШнинг мустақил ҳукумат муассасаси, Президент Ижроия комитетига ҳисоб берувши ҳукумат ташкилотидир.

Бу сиёсий ташкилот эмас. Уни маблағ билан АҚШнинг Конгресси та`минлайди. Тинчлик Корпусининг раҳбари Президент томонидан тайинланади.

Тинчлик Корпусининг мақсади:

- муҳтоҷ мамлакатлар ва уларнинг фуқароларига юқори малакали мутахассислар билан ёрдам бериш;

- Жаҳондаги бошқа мамлакатлар ва одамларнинг АҚШ ва унинг одамларини яхшироқ тушуниб олишга кўмаклашиш;

- Америкаликларни бошқа мамлакатлар ва унинг кишилари билан яқиндан таништириш, шу асосда инсонларни бир-бирига яқинлашувини та`минлашдан иборатдир.

Тинчлик корпуси шет элларда кунгиллиларни қуллаб –қувватлаш мақсадида оғислар тузиб, унга раҳбарлар тайинлайди. Куп мамлакатларда Тинчлик Корпуси икки томонлама битим асосида ишлади.

Ўзбекистондаги Тинчлик Корпуси 1992 йилнинг 4 ноябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва АҚШ Тинчлик Корпуси давлатлараро шартномасига имзо чекдилар. Шу йили республикамиз ҳукумати Тинчлик Корпуси кунгиллиларини олий ва ўрта ўқув юртларида инглиз тилидан дарс беришга, шунингдек кичшик бизнесни ривожлантиришда ёрдам беришга таклиф қилди.

1992 йилнинг 20 декабрида Тошкентга бошланғич уч ойлик укиш учун 54 нафар кунгилли хизматчилар келдилар. Бу давр мобайнида улар рус ва ўзбек тилларини, ўзбек маданиятини, ўз соҳаси дастурини урганишди. 1993 йил мартдан вилоятларга иш жойларига жунадилар. Шу мамлакатдаги ҳамкаслари

билин турли масалалар устида ҳамкорликда ишлай бошладилар.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълим фалсафасининг моҳияти?
2. Ривожланган давлатларда таълим тизими?
3. БМТ ва ЮНЕСКОнинг дунё таълим тизимида тутган ўрни?
4. Миллий таълим тизимлари?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермухамедова Н.А. Таълим фалсафаси.-Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

### **2-мавзу: Таълим соҳасидаги ислоҳотлар**

#### **РЕЖА:**

- 2.1. *Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимидағи ўзгаришлар.*
- 2.2. *Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ва унинг амалий аҳамияти.*

**Таянч сўзлар:** Мустақиллик, Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, Болония Декларацияси, таълим турлари.

#### **2.1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимидағи ўзгаришлар**

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал салоҳияти унинг маънавий баркамоллигига намоён бўлади. Маънавий баркамоллик эса таълим жараёнида шаклланади. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли китобида «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб

бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» деб, демократик ўзгаришларни миллат ҳаётига самарали татбиқ этиш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бири эканлигини кўрсатиб берганлар.

Дарҳақиқат таълим – шахснинг касбий ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган билимларни олиш, йигиш, таҳлил қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш жараёни. Таълимнинг дастлабки босқичида шахснинг ижтимоийлашуви, юқори босқичларида эса, унга касб-хунар ўргатиш вазифалари етакчилик қиласди.

Тарбия- ёш авлодни ижтимоийлаштиришни, мавжуд қадриятлар тизими ва хулқ –автор қоидаларини фаол ўзлаштириш орқали реал ҳаёт тизимига жалб қилишни назарда тутади.

Таълим фалсафаси – онг ва тафаккурнинг таълим тизимини дунё миқёсида ҳис қилиш, баҳолаш, таҳлил қилиш, таққослаш, шунингдек шаклланиш ва ривожланиш жараёнида унга хос бўлган ўзгаришларни эътиборга олишга асосланган дунёқараш ёки олинган билимларнинг амалиётта татбиғидир. Глобаллашув ва жаҳон ижтимоий майдонининг ўзгариши асида таълим фалсафасининг вазифаси давр руҳи ва талабларини акс эттириши лозим бўлган таълим тизимини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Маънавий камолот ва ахлоқ, ақл-заковат ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини намоён қилиш асосан таълим жараёнида юз беради. Дунёнинг «глобал муаммоларини» бартараф қилишга ҳаракат қилинаётган ҳозирги даврда таълимнинг сифати бу мақсадларга эришишда муҳим омилга айланади. Шу сабабли таълимнинг сифатини оширишга интилиш, интеграциялашаётган минтақалар учун таълим дастурлари ва андозаларини бир хиллаштириш, «бутун умр мобайнида узлуксиз таълим» стратегиясини амалга ошириш глобаллашув жараёнларининг янада чукурлашуви ва такомиллашувида муҳим омилга айланмоқда. Бу ҳақда юртбошимиз И.А. Каримов ”Таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда”<sup>2</sup> деб алоҳида таъкидладилар.

Инсонни ҳозирги дунё воқелиги билан мос равишда яшашга ўргатиш – таълим тизимининг энг муҳим вазифаси. Бунда гуманитар таълим зиммасига алоҳида масъулият тушади, зеро янги авлоднинг дунёқарashi унга боғлиқ бўлади. Мутахассисларнинг дунёқарашини тарбиялашда табиий-илмий ва техник таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви айниқса катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, *таълимнинг инсонпарварлашуви бу шунчаки ижтимоий гуманитар фанларнинг сони ёки ўқув соатларини кўпайтириши эмас, балки табиий илмий ва техник фаолият тизимига гуманитар билим норма ва қадриятларини киритиши, яъни табиий илмий ва техникавий билим мўлжалларини инсон манфаатларига хизмат қилдиришига ўйналтиришидир*. Зеро инсонпарварлашув нафақат фанда кашифиёт яратиш, балки бу жараёнда инсоннинг олий қадрият эканлигини эътиборга олиши

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси конституцияси- биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда устахкам пойdevordir // Халқ сўзи. 2009 6 декабрь № 237, - Б.2

*демакдир.*

Таълимнинг инсонпарварлашуви фан ҳақиқатнинг тагига етишгагина эмас, балки ундан инсон равнақи йўлида фойдаланишга қараб ҳам мўлжал олиши лозимлигини англатади. Бошқача айтганда, фан ўзининг ташқи мўлжаллари қаторига ўзининг мазмун яратувчи фаолияти, инсоннинг моҳияти, унинг вазифаси, кишилик жамиятининг гуманистик мазмуни ҳақидаги масалаларни ҳам киритиши лозим. Таълимнинг инсонпарварлашуви инсонийлик тамойилларининг ҳозирги мазмуни ҳақидаги тасавурларни яратишни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан таълим бугунги кун эҳтиёжларидан илдамроқ юриши лозим. *Бунда билимнинг ўзигагина эмас, балки ундан фойдалана олишига ҳам ургу берилиши даркор (аммо бу таълимнинг қимматини камситмаслиги керак – айни ҳолда мавжуд билимнинг ҳар бир лаҳзада мумкин қадар амалий бўлиши шарти назарда тутилмоқда).* Бу таълим ва тарбиянинг аҳамияти асосан тенглашишини англатади – айни ҳолда тор профессионал таълимнинг аҳамиятини бекор қилиши эмас, балки уни дунёқараи контекстига, маданий тарихий масъулият майдонига киритиши назарда тутилади. Билимнинг жадал суръатларда ўсиши, дунё илмий манзараларининг ўзгариши билимнинг прогноз унсурларини кучайтиришни тақозо этади. Шундай қилиб, бу ерда касбий фаолиятнинг қадриятлар билан алоқасини янада кучайтириш, таълим тизимиға глобал – маданий, ахлоқий, экологик ва бошқа шунга ўхшаш мезонларни киритиш зарурлиги тўғрисида сўз юритилади.

Фаолиятнинг турли соҳаларида қарорлар қабул қилиш тизимларида гуманитар билимнинг улуши сезиларли даражада кўпайган шароитда мутахассислар гуманитар тайёргарлигининг торлиги етказадиган зиён улар эгаллаган лавозим даражасига тўғри пропорционал бўлади (инсон эгаллаган ижтимоий иерархия поғонаси қанча юқори бўлса, у шу даражада мураккаб, масъулиятли ва кенг дунёқараашни талаб этувчи вазифаларни ҳал қилишига тўғри келади). Шу сабабли таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви давр талабига айланади, бу соҳадаги дастурлар иқтисодий жиҳатдан айниқса самарали бўлади. Таълим тизими илмий тафаккурнинг барча ютуқлари ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиш билан бир вақтда доим келажакка қараб мўлжал олиши лозим. Таълим тизими ҳаёт эҳтиёжларини қай даражада тўла қондирса, жамият ҳаёти бошқа соҳаларининг ривожланишига унинг таъсири шу даражада кучли бўлади. Айни шу сабабли фан ва таълим тизими ўртасида вужудга келган тафовутни бартараф этиш замонавий таълимнинг кун тартибида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу таълим тафаккурни ижодий ривожлантиришни назарда тутишини англатади, зеро ҳаёт тинимсиз илгари сурувчи ностандарт вазифаларни фақат шу йўл билан ечиш мумкин. Демак, билимни муттасил янгилашга бўлган интилишни тарбиялаш таълимнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, глобал дунёқараашни шакллантиришни назарда тутади.

Таълим тизими, глобал ва миллий омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган муайян тарихий шароитда мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Таълим тизими бу уни ташкил этувчи таълим институтларигина эмас, балки тегишли

давлат идоралари томонидан олиб борилувчи таълимга оид давлат сиёсати, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнининг моддий таъминоти, «жамият – шахс – давлат» муносабатларида манфаатларнинг муайян нисбати ҳамдир. *Шу сабабли бир мамлакатда вужудга келган ва ривожланган таълим тизимини бошқа мамлакатга, ўзга тарихий шароитларга кўр-кўронга кўчириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам миллий таълим муассасаларида вужудга келган ижобий анъаналар, тўпланган тажриба, шаклланган илмий мактабларни сақлаш мухим аҳамият касб этади.*

Тарихан вужудга келган ҳар қандай тизим каби, таълим тизими ҳам анча инерцион бўлиб, унда ҳаддан ташқари кескин бурилишлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай бурилишлар қаторига ғарб таълим тизимларининг дастурларидан кўр-кўrona нусха кўчиришни ҳам киритиш мумкин. Ўз таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини аниқ тасаввур қилиш, ўзлаштиришлар ва уларнинг оқибатлари ролини ҳисобга олишга асосланган интеграциягина самарали бўлиши мумкин. Ўзбекистонда таълим соҳасида босқичма босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий манфаатларга йўналтирилгани, унда ўзига хос тамойилларга риоя қилингани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётланлигини эътироф қилиш лозим. Зоро, 2005 йилда Россия фалсафа Конгрессида Давлат думасининг фан ва таълим технологиялари қўмитаси раиси ўринбосари ф.ф.д. профессор Ю. Слонин постсовет маконида фақат Ўзбекистон республикасида таълимнинг хусусийлаштирилмаганлиги ва бу энг тўғри йўл эканлигини алоҳида эътироф қилди. Бироқ, таълимни ислоҳ қилиш муаммосининг бошқа жиҳатлари, чунончи: университетлар бозор муносабатлари шароитида фаолият кўrsatiши, уларнинг фаолиятини молиялаштиришда бизнеснинг иштироки, дин билан ўзаро муносабатларини алоҳида ўрганишни талаб этади. Ислоҳотнинг бош тамои – «зиён етказма».

Бугунги кунда инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, аҳолининг интеллектуал тайёргарлик даражаси мамлакат суверенитетининг ҳокимият, худуд, табиий ресурслар, қуролли кучларнинг мавжудлиги каби мухим омилига айлананаётган шароитда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш миллатнинг халқаро обрўси, унинг маънавий нуфузи ва инсон салоҳияти сифатининг ошишига элтувчи мухим омилга айланмоқда. Таълим тизимини муттасил такомиллаштириш, олий таълим соҳасида таълим стандартларини турли минтақавий давлатлараро бирлашмалар доирасида янада универсаллаштириш аксарият мамлакатлар, шу жумладан мустақил ривожланаётган Ўзбекистон учун демократик ислоҳотларни давом эттиришнинг мухим омилига айланмоқда.

Чунончи, республикада амалга оширилаётган таълим базасини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ социалистик тузум йилларида шаклланган профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини бутунлай ўзгартириш ва замонавий ижтимоий-иктисодий йўлга буриш босқичма-босқич амалга оширилиб, уни янада такомиллаштириш долзарб вазифага айланмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойилларида билимларнинг инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, шунингдек таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, ҳар томонлама камол топган, маънавий бой инсонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Зеро И. А Каримов айтганларидек “Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади”<sup>3</sup>. Замонавий давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғулаштириш тамойилларига риоя қилишга асосланади.

Глобаллашув жараёнлари, ахборот маконининг кенгайиши, инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида илмий салоҳиятнинг ошиши ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу маънода жамиятнинг муҳим вазифаси иқтисодий, сиёсий ва маданий барқарорлик омили бўлган таълим ва фаннинг интеграциясига эришишдан иборат.

XXI асрда олий таълим инсоният ҳамжамиятини ривожлантирувчи асосий омил сифатида намоён бўлади. "Олий таълим" тушунчасида иқтисодиёт, фан, техника, маданият ва бошқа шу каби соҳалар учун соҳага тегишли бўлган назарий ва амалий вазифаларни ечиш учун тизимли билим ва амалий малакаларга эга бўлган, олий малакали мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилади

Олий таълимнинг бош мақсади юқори малакали, рақобатбардош, замон талабларига жавоб бера оладиган, танланган йўналиш бўйича мустақил ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Таълим ва фан бугунги кунда нафақат, маданий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт омили, балки халқаро муносабатлар воситаси сифатида амал қиласи. Бу босқичда юқори малакали мутахассисларнинг истиқболли илмий йўналишларида ахборот алмашиш дунё мамлакатларининг ютуқларининг асосий шарти ҳисобланади.

Айниқса дунё мамлакатларининг иқтисодий салоҳиятининг муҳим шарти ахборот ва юқори малакали кадрлар алмашиш билан боғлиқ.

Кейинги йилларда таълим масалаларига қизиқишнинг ортиши замонавий гуманитар прогресснинг келажагини таъминлаш билан боғлиқ бўлган таълим тизими ислоҳотларини тақозо қилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб кириш имтиҳонларини қабул қилишининг тест тизимини амалиётга жорий этди. Олий таълим тизимига маблағ билан таъминлашнинг турли манбалари – давлат, нодавлат, жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиниши давом этмоқда. Пуллик-шартнома асосида ўқишига кирган талabalарга банк кредитлари бериш амалиёти жорий этилди.

Бироқ, Ўзбекистондаги таълим тизимининг асосий камчиликларидан бири бу ўқув машғулотлар талabalарнинг амалий профессионал малакаларини эмас, балки фақат муайян билимларни эгаллашга йўналганлигига намоён бўлади.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. - Б.61.

Олий таълим тизимидағи ўқитиш усули ўқитувчи билимининг талабага етказилиши, яъни билим трансфери шаклига таянади. Маъruzalarни ўқиши таълимнинг пассив характерига асосланади. Эшитган ва ўқиган билимлари билан талабалар кифояланадилар ва мустақил фикрлашдан тўхтайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобал ўзгаришлар асрида ахборот ҳажмининг шиддат билан ўсиши анъанавий маъруза ўқиши шаклининг эскиришига олиб келди. Чунки мавжуд ахборотлар катта тезликда ўзгариб бориши уларнинг тез эскиришига сабаб бўлмоқда. Баъзи маълумотларга кўра муайян билимлар ҳар икки уч йилда эскиришга мойил. Бу эса, талаба эгаллаган билимининг мазмуни бироз вакт ўтиши билан ноаниқ бўлишига ёки эскиришига олиб келади. Шу боис, билимни идрок этиш, тушуниш ва катта ҳажмдаги ахборотни қабул қилиш имкониятини тезлаштирувчи янги таълим технологияларини яратишга эҳтиёж кучаймоқда. Янги ахборот технологияларидан фойдаланиш билим эгаллаш самараддорлигини камида 50-60% оширади. Демак, талабаларни ўқитиш жараёнини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, шунингдек маъруза ва семинар машғулотларини ўтказиш методикасини янгилаш талаб қилинади.

Хозирги даврда иш берувчилар битиравчиларнинг профессионал билим ва компетентлик даражасига жуда юқори талаб қўймоқда.

Бу эса профессионал малакаларни, келажақдаги фаолияти соҳасида қарор қабул қилиш тактикасини ўрганишни талаб қиласди. Шунинг учун маъруза ва семинар машғулотлари талабалар учун мутахассислик бўйича профессионал билим олишга йўналган ўқув-амалий база вазифасини бажараши лозим.

Олий таълим тизими модернизацияси ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти омилларидан бирига айланди, халқаро таълим дастурларининг алмашинуви ташқи сиёsatнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси таълим сифатини ошириш мақсадида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар билан қўп тарафлама ҳамкорликни ривожлантироқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-хукуқий базаси яратилмоқда, қўшма таълим тузилмалари ривожлантирилмоқда, ўқитувчи кадрлар алмашиб кенг тус олмоқда. Хусусан сўнгти йилларда Англияning Вестминстр университети, Сингапур институти, Италияning Турин институти, Губкин номидаги политехника университети, Ломоносов номидаги МДУ, Малайзия институти, Плеҳанов номидаги иқтисод университетлари филиалларининг ташкил қилиниши, таълим давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини намоён этмоқда. Зоро, таълим трансмиллий тушунчага айланиб, мамлакатлар, қитъалар оша ўзгараётган дунёда касбий кўникмаларни шакллантириш учун зарур билимларни ўзлаштиришнинг универсал воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида минтақавий стандартларни яратиш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалга тадбиқ этиш, электрон ахборот алмашинуви, Интернет-технологияларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Хуллас, Ўзбекистонда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга йўналитирилган сиёsat босқичма -

босқич амалга оширилмоқда.

## **2.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг амалий аҳамияти.**

1997 йил 29 августда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган - жамиятни олий малакали илмий ва илмий-ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, шахснинг таълим ва қасб-кор соҳасидаги ижодий қизиқишларини қондириш масалаларига ижодий ёндашилмоқда.

Бугун давлатимиз бу вазифани амалга ошириш борасида турли илмий тадқиқот муассасалари (кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи, катта илмий ходим)да ўқишини давом эттиришни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда, ва амалий, инновацион, фундаментал илмий тадқиқод ишларини амалга ошириш учун етарли молиявий маблағлар ажратмоқда.

Бинобарин цивилизациянинг ривожланиши шу даражада жадал суръат олдики, бунда инсон глобал муаммоларни ҳис этмаслиги мумкин эмас. Таълим тизимини давр талабларига мослаштириш оламшумул муаммога, буни тушуниш эса – таълим тизимида давлат, жамият ва фуқаролар муносабатининг асосий белгисига айландики, бу таълим тизими миллий маҳсулотнинг ўз улушкини истеъмол қилувчи тизимдир деган тасаввурларга барҳам берди. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда таълимни жамиятнинг, бир томондан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсонни камол топтирадиган, бошқа томондан эса – дунёқарашни шакллантириш манбаи, жамиятнинг маданиятлилик даражаси кўрсаткичи ҳисобланадиган йирик тармоғига айланиш тенденцияси тобора бўртиброқ намоён бўлаётгани тасодифий бир ҳол эмас.

Мамлакат қудрати аввало таълим тизими билан белгиланиши аниқ-равshan тус олмоқда. Жамиятнинг таълим тизимида қараб жамиятнинг ўзи, унинг маърифатлилик даражаси ва келажаги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин, десак, асло муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар таълим тизими мамлакатнинг дунё миқёсидаги аҳамиятини янада бўртиброқ намоён этмоқда. Таълим миллий таълим тизимининг дунёда юз бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларига айниқса таъсирчан бўлган қисми саналгани боис, бунда у айниқса муҳим роль ўйнайди. Таълим тизимини давр талабларига мувофиқ ўзгартиришга қодир бўлмаган (ўзгартиришни истамаган, ўзгартиришга улгурмаган) мамлакат ривожланишдан орқада қолиши ва ҳозирги дунёда маргиналга айланиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай модернизация юксак технологияларни ўзлаштиришни тақозо этади, уларни эса фақат энг янги илмий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш мумкин.

Фаннинг ривожланиши доим таълим тизими билан узвий боғлиқ бўлган, шу боис фаннинг роли тинимсиз ошиб бормоқда. Албатта, таълим илмий кашфиётлар сонини бевосита белгиламайди. Аммо таълим тизими, жамиятда илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш, олинган натижалардан амалда фойдаланиш имконини берувчи интеллектуал муҳитни яратади. Айни шу сабабли таълим тизимида миллий даромадни истеъмол қилувчи тизими сифатидагина ёндашиш ўринли бўлмайди, зеро бу соҳада илмий-техник ва

ижтимоий тараққиётга замин яратилади. Шу туфайли ҳам Президентимиз Ислом Каримов томонидан таълим тизимини барқарорлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйганлиги, таълим мамлакат тараққиётининг муҳим омили эканлигидан далолат беради .

Зеро, жаҳон тажрибаси давлат таълим тизимида тежамкорликка ҳаракат қилиши ҳеч қаерда ва ҳеч қачон иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминламагани ва муқаррар тарзда ижодий имкониятларнинг камайишига сабаб бўлганидан далолат беради. Дарҳақиқат, барча маърифатли мамлакатларда маданият, тиббиёт, ижтимоий таъминот ва таълим соҳалари асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади – бу соҳалар мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий генофонди ҳисобланади. Таълим тизими ўзининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларни ўзи топишига қараб мўлжал олиши инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини бузади (зеро университетда таълим олиш имкониятига жамиятнинг ўзига тўқ қатламларининг вакилларигина эга бўлади), бу эса турли ижтимоий қатламлар орасида аниқланувчи истеъдодлар сонининг камайишига олиб келади. Бундай таълим тизимида давлат кучли бўлиши мумкин эмас. Бу таълим тизими умуман пул ишламаслиги керак деган маънони англатмайди. Ҳозирги жамиятда таълим хизматлари анча қиммат туради. Аммо истеъдодларни ўз вақтида аниқлаш устувор аҳамият касб этиши даркор. Бундан хulosса шуки, таълим тизими бакамол авлод тарбиясининг муҳим омили сифатида доим давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида туриши ва иқтидорли ёшларга имтиёзлар яратилиши лозим. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанавий таълим тизими замирида XIX асрнинг охири – XX аср бошида А.Фитрат, А.Авлоний ва илмий педагогиканинг таълим тизимини билувчи одамни тайёрлашга йўналтирган бошқа асосчилари томонидан таърифланган ғоялар ётади. Бугунги кунда бу модель тушунувчи (бошқа одамларни, ўзга маданиятларнинг вакилларини тушунадиган) одамни тайёрлашга қаратилган мўлжал билан тўлдирилиши лозим. Ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ бўлган дунёда бошқа одамларни тушунишга, улар билан мулоқот қилишга, ўз эгоизмини енгишга қодир бўлмаган одам ижтимоий хавфли хусусият касб этади.

Зеро, мамлакатда фалсафий мушоҳадали, юқори малакали кадрлар мавжудлиги ракеталар, нефть ва ҳудудлар мавжудлигидан ҳам муҳимроқ ва жозибалироқ омилга айланиши лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унинг моҳияти очиб беринг?
2. Ўзбекистон таълим тизимида қайси хорижий давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда?
3. Ўзбекистонда таълим турлари ва босқичларига таъриф беринг?
4. Ўзбекистонда олий таълим тизими: ютуқ ва камчиликлар?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Муҳамедова З.Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Муҳамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермуҳамедова Н.А. Таълим фалсафаси.-Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

### **З-мавзу: Олий маълумотли ёш мутахассис образи ва олий мактабнинг таълим жараёнидаги роли.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Мустақиллик йилларида олий мактаб таълим тизимидағи ўзгаришлар.**
- 3.2. Олий маълумотли ёш мутахассиснинг бугунги қиёфаси.**
- 3.3. Таълим тизимида олий мактабнинг ўрни**

**Таянч сўзлар:** Олий мактаб, ёш мутахассис, таълим жараёни, илмий тадқиқот методлари, ахлоқий тарбия.

#### **3.1. Мустақиллик йилларида олий мактаб таълим тизимидағи ўзгаришлар.**

**Таълим жараёни** — ўқитувчи ва талабалар фаолиятнинг йифиндисидан иборат. Бу жараён ўқитувчи томонидан маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади, доимо динамик тарзда ўзгариб боради. Таълим давомида ўқувчиларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Таълим жараёнларининг асосий вазифаси илмий ҳақиқатларни ижодий ўзлаштириш орқали юз беради. Билим турлари, ўрганилаётган обьектлар бевосита кўриш йўли билан эмас, балки ўқитувчининг ҳикояси, тасвирлаб бериши орқали идрок этиш йўли билан эгалланади. Укув жараёнини ҳаракатлантирувчи кучлар қарама-қаршиликлар бирлиги ва уларнинг ўзаро курашидан иборат. Бунга тўхтовсиз равишда мукаммалаштиришга муҳтож бўлган жараённинг муҳим ҳолатлари орасидаги қарама-қаршиликлар мисол бўла олади. Булардан ташқари, ўкув жараёнининг ички ўзига хос қарама-қаршиликлари мавжуддир. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва кўникмалар хосил қилиши билан ушбу эҳтиёжларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар бунга мисолдир. Бундай қарама-қаршиликларни турли педагогик услублар, шакллар, кўргазмалилик воситаларини жорий этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Таълим-тарбия жараёни фақатгина билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантириб қолмай, балки ўкувчи шахсига комплекс равишида таъсир этишга йўналтирилган бўлади. Таълимнинг таҳлили билан бир вақтда ахлоқий тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади, яъни ўқувчиларда ахлоқий, эстетик, этик қарашлар, тасавурлар ва шунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, эҳтиёжлар системаси шакллантирилади. Таълимнинг тарбиявий вазифаси обьектнв жараённи белгиланган мақсадга йўналтирганлик билан белгиланади.

Хар қандай ахлоқий тарбия таълим жараёнининг боришига ижобий, фойдали таъсир кўрсатади. Ахлоқий тарбия интизомга, уюшқоқликка,

фаолликка ундаиди ва ўз навбатида, таълим вазифаларини осон бажариш имконини беради.

Таълим-тарбия жараёни уч қирралидир. Биринчи қирраси—билим кўниkmага ва ундан кейин малакага айланиш жараени, иккинчиси—шахсий сифатларни тарбиялаш ва ниҳоят, учинчиси— шаклланган хислатларни мустаҳкамлашдан иборат. Таълимнинг бу жараёнлари ёнма-ён амалга оширилади деб ёндошиш мумкин эмас. Бу қирралар жуда мураккаб боғлиқликда бўлади, бири бошқасининг давоми сифатида юзага чикади. Албатта, ахлоқий тарбия жараёни тўғри ташкил этилган ҳолатда таълимнинг бориши жараённига ижобий таъсир кўrsатади. Чунки бундай тарбия интизом, уюшқоқлик, фаоллик ва бошқа кўпгина, фазилатни шакллантириш учун шартшароит яратади. Ахлоқий тарбиясиз самарали таълим жараёни бўлиши мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам таълим жараёни таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг муштараклигини намоён этади. Ахлоқий тарбия ва таълим яхлитлигини таъминловчи омиллардан бири таълим усуслари тарбиянинг таркиби сифатида намоён бўлса, иккинчидан, тарбия усусларининг ўзи таълим олишни рағбатлантирувчи сифатида намоён бўлади. Таълим ва ахлоқий тарбия шахснинг ривожланишига кўмаклашади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш давомида талабаларнинг бир-бирини тўлдириб бориш воситаларини қўллаш таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради. Таълим ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро алоқаларини назарда тутади, ўзаро боғлиқ бу икки жараён — ўқитиш ва ўрганишдан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро дидактик ҳамжиҳатлигисиз таълимни: амалга ошириб б'улмайди. Ўқитувчи қанчалик фаоллик кўrsатмасин, агар билимларни ўзлаштирадиган ўқувчиларнинг ўзида онгли фаолият бўлмаса, хақиқатан ҳам таълим жараёни амалга ошмайди. Шунинг учун таълим жараённида педагог ҳар икки томон фаоллигини таъминлаши керак. Таълим жараённида ўқитувчи билан ўқувчи мулоқотлари мухим аҳамиятга эга. Таълим: жараёнидаги мулоқот ўрганиш зарурлигини кўrsатади. Ўқиши ўрганишга нисбатан ижобий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қиласи. Ўқитувчининг ўз фанига иштиёқманд бўлиши, ўқувчилар билан яхши муносабат ўрнатиши, бир-бирига нисбатан ўзаро ҳурматни саклаши, ўқув жараённида ёрдам қўлини чўзиши, ўқувчиларнинг ютуқлари, муваффақиятлари ўқитувчи томонидан ўз вақтида ва адолатли баҳоланиши ҳамда оғир вазиятларда ўзини тута билиши — буларнинг барчаси: ўзлаштириш жараённига ижобий таъсир кўrsатади. Ўқитувчининг маҳорат билан мулоқот ўрнатиши натижা сида таълимнинг тарбиявийлик даражаси ортади.

Таълим ва тарбия фақатгина бир қолипдаги нарса эмас, балки уни қуршаб турган муҳит, ижтимоий фойдали меҳнат, оммавий ахборот воситалари, жисмоний машқлар ва бошқа шунга ўхшаш дарсдан ташқари машғулотлар ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари: максадлилик, рағбатлантириш, назорат тўғри йўлга солиш, баҳолаш билимларидан иборатdir. Таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитувчилар олдига мақсад қўйишдан тортиб, уларни амалга ошириб

натижалар келтиришига қадар бўлган ҳамжиҳатликларнинг ривожланишини акс эттиради. Шу билан бирга, таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқувчиларнинг ҳамжиҳатликларини назарда тутиши лозим.

Таълимнинг мазмуни ўкув даражаси, давлат ўкув дастурлари ва дарсликлар билан белгиланади. Айрм дарсларнинг мазмуни, мундарижаси ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда конкретлаштирилади. Фаннинг мазмунида ўқувчиларнинг қизиқишлиари, «тайёргарлик даражаси», ишлаб чикариш ва мактабдаги ижтимоий муҳит ўз ифодасини топиши керак.

Таълимни баҳолаш — педагоглар томонидан фан ва таълим жараёнида эришилган натижаларни ўқувчиларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш четга оғиш аниқлагандан уларнинг сабабларини аниқлаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни лойихалашни ҳам назарда тутади.

Таълим жараёни асосида ўқувчилар томонидан ўқув-материалини ўзлаштириш ва мазкур фаолнятин бошқаришни амалга ошириш ётади. Шунинг учун ўкув жараёнида раҳбарлик ролини ўқитувчи бажаради. Аммо ўкув жараёнининг ўзи ўрганиш субъекти сифатида ўқувчиларнинг актив фаолиятларисиз амалга ошмайди. Ҳозирги даврда, ҳар бир дарс ўқувчиларнинг ўзи янги билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш фаолиятини ташкил этишига йўналтирилган. Ўқитувчи ўз фаолиятини дарс режаларни тузиш воситасида амалга оширади. Намунали мавзуга тегишли режалар маҳсус ойномаларда нашр этилади ва ўқитувчи мактаб ҳамда синфнинг ўзига хос томонларидан келиб чиқиб баъзи бир ўзгаришларнигина киритади. Дарс режалаларини ишлаб чиқиша фанни ўқитиш услуби юзасидаи нашр этилган маҳсус қўлланмалар ёрдам бериши мумкин. Ушбу қўлланмаларда дарс бериш давомида ечилиши керак бўлган масалалар, топшириқлар характерлари хусусида маслаҳатлар берилади. Жуда мураккаб таркибий қисмлари алоҳида таъкидлаб ўтилади, жуда ҳам бебахо, фойдали тажрибалар мустаҳкамлаш учун машклар, қўргазмалар, такрорлаш ва уй ишлари сифатида тавсия этилади. Шундай қўлланмалардан ўқитувчининг доимий равишда фойдаланиши дарсларни режалаштириш давомида ўз вақтини тежаш имкониятини беради. Режанинг матни ўқитувчининг педагогик тажрибасига боғлиқ бўлади. Ёш, ўз фаолиятларини эндиғина бошлаётган ўқитувчиларга ишларининг биринчи босқичларида машғулотларини бир қанча даражада батафсилроқ режалаштиришга тўғри келади, яъни ўкув, тарбиявий, ривожлантирувчи характердаги асосан вазифаларни ўзида бирлаштирган ҳолда дарснинг мақсадини қайд этиб ўтиш, билимларни қўллаш ва мустаҳкамлаш учун ишланадиган машқларнинг тартиб раҳамларини кўрсатиш, уй иши учун топшириқларнинг мазмунини, адабиётлар, жиҳозларнинг номи ва саногини кўрсатиш лозим.

Ўқитувчининг бўлгиланган режани бажариш юзасидан ташкил этадиган ўкув ишлари тайёрлов ва бажариш босқичларига бўлинади. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўз имкониятига қараб қуйидагиларни таъминлайди; таълимнинг зарур бўлган техник воситаларини, кўргазмали куроллар,

қўлланмаларни, дидактик ва тарқатиладиган материалларни тайёрлайди; мураккабликлар вужудга келишиннинг олдини олиш ва, энг мухими, жойларни танлаб олиш учун навбатдан ташқари, дастлабки диафильмларни кўриш, кўргазмаларни қараб чиқиши, тажрибаларни амалга ошириш ишларини ўтказади; олдиндаги тажрибалар, амалий ишлар ва кўргазмаларни тайёрлаш ишларига Ўқувчиларни жалб этади. Уйда ва дарсда такрорлаш уй ишларини ҳамда ўзлаштирилган назарий мавзуни мустахкамлаш, машқларни аввалдан бажариб қўйишга чорлайди.

Ўқитувчи дастлабки ташкилий ишлар давомида дарснинг режасига баъзи бир ўзгаришлар, аникликлар киритади, ўқувчиларда кийинчиликлар туғдириши мумкин бўлган баъзи бир топшириқларни олиб ташлайди ёки бўлакларга ажратади. Бевосита дарсда таълим жараёнини ташкил этиш, бир томондан, ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш юзасидан фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг олдига ўқув топшириқларини қўйиш, ўқувчиларга тегишли шароитларни яратиш, амалий ишларни ташкил этиш давомида ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар олдида турган фаолиятнинг турлари ҳақида тушунарли, аниқ йўл-йўриқлар бериш, ўқув топшириқларини бажариш мобайнида ўқувчиларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш кабиларни қамраб олади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиришларсиз муваффақиятли ўқитишни тасаввур этиб бўлмайди.

Рағбатлантиришлар ўқувчиларнинг дикқат-эътиборларини мавзуга жалб этиш ҳисобига, шунингдек ҳавасмандликни, тиришқоқликни, синчковликни, билимга қизиқувчанликни уйғотиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Дарснинг бориши жараёнида, хусусан унинг иккинчи қисмида, ўқувчиларнинг табиий равишда чарчашлари юз бера бошлаганда ва улар толиқишини, чарchoқни кетказадиган таъсирларга муҳтоҷ бўлганда (фойдаланадиган рағбатлантириш усулларини ўйлаб топиш керак.

Таълимнинг ташкилий жабҳаси. Таълим жараёнида Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятининг ташкилий кўриниши таълимнинг ташкилий кўринишини белгилайди. Таълимнинг ташкилий шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини аниқлаб беради, оммавий таълим ва алоҳида (индивидуал) ҳолдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқ таълими алоҳидалик, айримлик, якка ҳолда ўргатиш хусусиятларига эга эди, ўрта асрлар даврида эса машғулотлар ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган гурухларида ўтказилган. XVI асрда дунё мактабларининг тажрибаларини ўрганиш асосида Я. А. Комсинский дарс шаклидаги таълимни ташкил этишдан иборат синф — дарс тизимини назарий жихатдан тушунтириб берди.

Таълимнинг ташкилий — дарс шакли давомидз ўқув машғулотлари ўқитувчининг раҳбарлигига, ўрнатилган жадвалга кўра, доимий бўлган ўқувчилар гуруҳи билан олиб борилади.

Таълимнинг синф — дарс шакли XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Англияда ёйилди ва белланкастер тизими деб номланди. Бу ном уни

таклиф этган муаллифлар А. Белла ва Д. Ланкастер исми шарифларидан ҳосил қилингандир.

Синф — дарс тизими амалда қўп жихатдан устун эканлигини намоён этди ва кўпгина мамлакатларда қўллана бошланди. Ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини янада фаоллаштириш учун қилинган ҳаракатлардан бири таълимнинг янги ташкилий тури бўлди. Бу XX асрнинг бошларида АҚШ жамоат арбоби Е. Таркхерст томонидан таклиф этилган эди, Бу дальтон-режа деб номланиб, таълимни индивидуаллаштириш ва ҳар бир ўқувчига ўргатишда мустақил равишда ҳамда ўз тезлигига илгари силжиш имкониятини берадиган таълим тури эди.

Дарс ҳозирги замон ўқув жараёнида таҳсил мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги шаклини педагогика назарияси ҳам, амалиёти ҳам таклиф этганича йўқ,

Ўтказилган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириши учун маълум даражада умумий талабларга жавоб бериши керак, Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз. Айрим олинган бирон-бир дарс-предмет календар дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс ўтиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган билим иқтидор ва кўникмаларнинг эришиладиган даражаси билан ҳам белгиланиши маъқул бўлади. Дарсда ишлатиладиган усуллар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири шукн, бериладиган ўқув материал системали равишда осондан — кейинга, оддийдан — мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ўқитувчи дарсни ташкил қилас, ўқувчилар ўқув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг муқобил режаларини амалга оширишни кўзда тутмоғи лозим. Дарсга бирмунча тарбиявий талаблар қўйилади. Ҳар бир дарс маълум даражада ғоявий йўналган аниқ тарбиявий вазифаларни бажариши, олинган илмий билимлар асосида дунёқарашни, юқори ахлоқий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб, таълимнинг хаёт билан мустақил алокаларини таъминлаши зарур. Ўқувчиларда билимга қизиқиши, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаларини қарор топтириш, ижодий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тасаввурлари чуқурлиги тарбиявий талаблардан ҳисобланади.

Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар: мавзу (календар) асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши, дарс ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши керак. Дарснинг мантиқий изчиллиги, тугалланганлиги ва дарснинг бошидан то охиригача ўқувчилар онгли интизоми таъминланмоғи лозим, Дарсни ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқувтехник, компьютер, стационар ва динамик кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланилайдиган таълимнинг усул ва услубларига, ўқувчиларнинг

тайёрланиш ҳамда ривожланиш даражасига, ўкув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Дарслар жуда ҳам турли-туман таркибий тузилишларга эга бўлиб, уларни бир, марта доимий равишда мавжуд бўладиган кўриниш тарзида режалаштириш ва қотиб қолган намуна асосида ўтказавериш мумкии эмас. Дарснинг таркибий тузилишига юқорида қайд этиб ўтилган омиллар қаторида мазкур синфда ишлашнинг ҳаққоний шарт-шароитлари, шунингдек ўқитувчи иш фаолиятининг ижодий, характеристи катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир дарс бошқа дарслардан ҳатто улар битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда ўтказилганда ҳам, унинг ўзига хос жиҳатларига кўра фарқ қиласди. Дарсда ҳар доим ўқитувчининг маҳсус «педагогик ёндашув тарзи»ни кўриш мумкин. Масалан, комбинациялашган дарс қуйидаги кўринишда ташкил этилади: ташкилий иш, ўқувчиларга берилган уй ишларининг бажарилишини текшириш, ўрганилган материал юзасидан ўқувчилардан сўраш, ўқитувчи томонидан янги материалнинг баён этилиши, ўрганилган материални мустаҳкамлаш, уйга топшириқлар, вазифалар бериш.

Дарснинг таркибий тузилиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятларининг ташқи кўринишигина эмас, балки жараёнларнинг моҳиятларинн ҳам акс эттириши керак.

Замонавий дарслар учун ўзлаштириш, қисмларга ажратиш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги ўкув материалини эгаллаш ҳамда уни амалий жиҳатдан қўллаш билан боғлиқ равищда олдин ўрганилганларни назорат этиш каби таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқликлари характеристидир. Ўқувчиларнинг қидиувчанлик фаолиятларининг таркибий қисмлари фақат муаммоли дарслардагина эмас, балки ҳамма турдаги дарсларнинг (комбинациялашган, назорат ва бошқалар) айрим босқичларида ҳам фойдаланилади.

Дарснинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёрланишларига боғлиқдир.

Дарсга тайёрланиш ва уни олиб бориш. Дарсга тайёрланиш етарли даражада педагогик иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар учун жуда зарур.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланишида дастлабки босқичлар алоҳида ўрин тутади. Уқув йили бошланиши олдидан ўқитувчи дастурдаги ҳамма мавзуларни ўрганиш вақтини тақсимлаб чиқади, унга мувофиқ бўлган календар режасини тузади. Ушбу режа ўқитувчига дарс ўтишида биринчи хужжат сифатида хизмат қиласди.

Дарснинг режаси ихтиёрий тузилади, аммо унда қуйидаги таркибий қисмлар акс этишини таъминлаш зарур: дарснинг ўтказилиш муддати ва унинг мавзу режаси бўйича тартиб раками; ўтказиладиган синфи, дарс мавзуси; таълимнинг вазифалари, шакллантириладиган билим ва кўникмалар; ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш; дарс босқичларининг давомийлиги ва ушбу босқичларда вактнинг тақсимланишини кўрсатган ҳолдаги таркибий тузилиши; уқув материалининг мазмуни; дарснинг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва ўқувчининг иш усувлари; таълимнинг кўргазмалн ва техник воситаларини

қўшиб хисоблаганда дарсни ўтказиш учун зарур бўлган ўкув қуроллари; дарсда бевосита ўтказиладиган тест синовлари; уй вазифалари, топшириқлар.

### **3.2. Олий маълумотли ёш мутахассиснинг бугунги қиёфаси**

Дарснинг ютуғи ва унинг натижалари нафақат ўқитувчи тайёргарлигига, балки ўқувчиларнинг тайёргарликларига ҳам боғлиқдир. Афсуски, ушбу масалага кўпинча ўқитувчилар ўзларининг амалий ишларида етарли даражада эътибор бермайдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг навбатдаги дарсга (ёки дарсларга) тайёрланишлари уларда ижобий психологик кайфиятни вужудга келтиради, англашга, билишга бўлган юкори даражадаги қизиқишни туғдиради. Ўқувчиларни дарсларга тайёрлашда қўйидагилар назарда тутилади: уларни олдинда турган дарснинг дастурий ўрганиш режаси билан таништириш (бу хусусан юкори синфлар билан ўкув ишларида ҳам жуда зарурдир); ўқувчиларнинг тушуниши мумкин бўлган дарсларнинг айрим бўлимлари билан танишиш; навбатдаги дарсда кўрсатиладиган масалалар юзасидан илмий-оммабоп адабиётларни ўқиши, янги материални ўрганишга кўмаклашадиган кузатишлар ва унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиш.

Ўқувчиларнинг дарсдаги ишларини барча учун умумий (фронтал) шаклда ташкил этиш билан бир қаторда, турли машқларни гуруҳларга ажратиб бажариш шакллари ҳам қўлланилади. Шу билан бирга у ўқувчиларнинг индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва ҳар томонлама (фронтал) ишлари билан жуда ҳам мустаҳкам боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мақсадга мувофиқ бўлган гуруҳнинг таркиби 5-7 кишидан иборат бўлиши керак. Ҳамкорликдаги ишлар учун бир хил ишлаш кобилиятига ва тахминан бир хил ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчилардан гуруҳ жамлаш зарур. Қоида бўйича ушбу гуруҳларнинг таркиби доимий бўлмасдан, ҳар бир фан бўйича турлича бўлади, ўқувчиларнинг ўzlари томонидан белгиланади, ўқитувчи эса ўқувчилар орасидаги 'ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тўррилаб, бир йўналишга солиб боради.

Ўқувчиларнинг гуруҳ ишлари деярли барча дидактик масалаларни: масала ва машқларни ечиш, мустаҳкамлаш, янги материални ўрганишда қўлланилиши мумкин. Гуруҳларда ҳам ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ташкил этилади, аммо табақалашган гуруҳга тегишли топшириқларни бажариш ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлаш методларига ўргатади, мuloқot эса, психологлар таъкидлаб ўтганидек, шахсиятпарастликдан қутулиш имкониятини яратади.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама (фронтал), гуруҳ ва индивидуал (алоҳида) ишлари тарбиявий ҳамда таълим вазифаларини амалга оширишга таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўкув фанининг ўзига хос томонларини, ўргатаётган материалнинг мазмунини ўқитиш методларини, синф ва айрим ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бу масалаларни мувофиқлаштириши керак.

Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни ўзаро хурмат, зийраклик билан олиб бориши лозим. Дарсда ўқувчиларга ўқитувчининг мурожаат шакли ҳам фарксиз эмас. Ўқувчиларни исми шарифи билан аташ

максадга мувофиқроқдир. Ўқитувчи дарсларда фақатгина зийрак ва меҳрибон, қувноқ, хушёр бўлибгина қолмай, балки жиддий қиёфага кириши ҳам керак.

Ўқитувчининг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқитишининг турли шаклларидан фойдаланиш, ўқувчи ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга ҳар доим ёрдам кўрсатиш — булар жуда катта дидактик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларда меҳнат малакаларини ҳамда ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради,

Дарс беришни такомиллаштириб бориш учун янги шароитларда таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларини ўрганиш зарур. Бунда таълим самарадорлиги ўқувчилар томонидан олинган билимлар билан чегараланмайди, балки англашнинг кўникма ва малакаларини эгаллаш билишга бўлган қизиқишлиарни ҳам қўшиб олади.

Уқув-тарбия муассасаларида дарс ўқувчиларнинг ёшига ҳамда уларнинг имкониятларини хисобга олган ҳолда ўзига хос шаклда, ташкил этилади. Масалан, қуий синфларда, ўқувчилар диққатини қиёсан жуда хам тез қўшиш зарур бўлиб, дарсларда ўқув ишларининг ҳар хил турлари, жумладан, ўйин ва машғулот характеристига эга бўлганларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи томонидан янги материални баён этишда дарсларнинг (ҳикоя, тушунтириш ёки маъруза қилиш) роли ортади ва ўқувчиларнинг мустақил ишларининг (дарсликлири ва ўқув қўлланмалари билан) аҳамияти ошади, муаммоли дарсларда ижодий характеристидаги индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва гурӯҳ бўлиб иш бажариш кенг қўлланилади. Академик лицей ва коллежларда ўқув машғулотларининг жадвалига қўш дарслар деб номланадиганлари киритилади. Бундай дарсларни янги маълумот асосидаги маърузани ўтказишида, амалий ишларни, семинар ва амалий машғулотларни, практикумлар ва ўқув саёҳатларини бажаришда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи дарсларда ва кечки мактабларда ҳаётий масалаларни мустақил ҳал этиш (ишлаб чиқариш, турмуш масалалари) малакасига эга бўлган ўқувчиларнинг мустақил ишларига суняди.

### 3.3. Таълим тизимида олий мактабнинг ўрни

Мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим тизимида ҳам қатор ислоҳотлар ўтказилди. Бу жараён олий мактаб фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг асосий қисми хисобланади. Бу фаолиятни тегишли усулларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Усуллар ахборотни узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалийга бўлинади. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим фаолиятига муносиб равишда қуйидаги усуллар: тушунтириш- иллюстратив (информатсион рецептив), репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда яrim тадқиқот усуллари қўлланилиши мумкин.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотни эсда сақлашни ҳам олинадиган билим ва кўнікмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутади. Таълим жараёни ўқув ахборотни ва уни мантиқий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутади.

Үқув фаолиятини рағбатлантириш ҳамда таълимга бурч ва маъсулиятни асослаш усулларига бўлиш мумкин.

Таълимни рағбатлантириш усуллари: 1. Таълимга қизиқишни рағбатлантириш усуллари 2. Таълимга бурч ва маъсулиятни рағбатлантириш усуллари.

Таълим жараёнидаги назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари оғзаки, ёзма, лаборатория-амалий тест-рейтинг усулларига бўлинади.

Таълимда назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари қуйидагилардир: 1. Оғзаки назорат ва ўзини-ўзи қилиш. 2. Лаборатория-амалиёт назорати ва ўзини-ўзи назорат қилиш. 3. Тест назорат.

Таклиф қилинаётган усуллар нисбатан яхлит ҳисобланади, чунки фаолиятнинг барча асосий элемментларини ҳисобга олади. Унда билиш фаолиятини қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш қирралари яхлит ҳолда кўринади.

Таълимнинг оғзаки усуллари. Таълимнинг оғзаки усуллари: ҳикоя, лекци, сухбатва бошқалар киради. Бу усулларнинг қўлланилишида ўқитувчи сўз воситасида ўқув материалини баён қиласди, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қиласдилар ва ўзлаштирадилар.

Ҳикоя. Ушбу усулда ўқувчиларга ўқув материали мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади.

Ҳикоянинг бир неча тури бўлиши мумкин-ҳикоя-муқаддима, ҳикоя-баён, ҳикоя-хулоса Биринчисининг мақсади-ўқувчилани схбат орқали янги материални қабул қилишга тайёрлашдир. Ҳикоянинг бу тури нисбатан баённинг қисқалиги, ёрқинлиги, қизикарлилиги ва эмоционаллиги билан характерланиб, янги мазуга қизиқиши, уни фаол ўзлаштиришгаэхтиёж уйғотади. Мана шундай ҳикоя вақтида, дарсда ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шакклда хабар берилади.

Ҳикоя-баён даврида ўқитувчи янги мавзунинг мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа, асосий, муҳимларини ажратиб, иллюстрация ва ишорали мисолларни изчил баён қилишни амалга оширади.

Ҳикоя-хулоса одатда машғулотнинг охирида келтирилади. Ўқитувчи ундан асосий фикрни якунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради, мазкур мавзу юзасиан мустакил ишлаш учун топшириқлар беради.

Ҳикоя усулини қўллаша қуйидаги усуллардан фойдаланилади: баён қилиш, диққатни фаоллаштириш, хотира да сақлашни жадаллаштириш усуллари, ўхшатиш, таққослаш, асосийсини ажратиш, якулаш каби мантиқий усуллар.

Ҳикояни самарали қўллашнинг шартлари: режани қунт билан ўйлаш, мавзуни ёритишнинг оқидона изчиллигини таъминлаш, мисоллар ва иллюстрацияларни муваффақиятли танлаш, баёнда зарурий эмоционалликка эришиш даркор.

Маъруза. Таълимнинг сўз билан ифодалаш усуллаоидан бири сифатида ўқув маърузаси ўқув материалларини оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ҳикоядан ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг муреуаблиги билан ажралиб туради.

Маъруза давомида ахборотни оғзаки баён қилиши, узоқ вақт давомида диққатни тутиб турish, тингловчиларнинг фикрларини фаоллаштириш усуллари, далиллаш, исботлаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштиришдан фойдаланилади.

Маърузалар орқали асосан ўрта мактабларнинг юқори синфларида, шунингдек академик лицей, коллеж ва олий ўқув юргларида ўқитилади. Маъруза режасини аниқ ўйлаш ва маълум қилиш зарур. Режа бандларининг

барчасда, уларнинг ҳар бирининг якун ва хulosаларини изчил баён қилишда мантиқий уйғунлик бўлмоғи керак.

Баённинг енгиллиги, тушунарлилиги, атамаларни тушунтириш, мисоллар ва кўргазмалар тайёрлаш, унинг хилма-хил воситаларидан фойдаланиш ҳам бундай катта ахамиятга эга эмас. Маъруза шундай шундай суратда ўқиладики, тингловчи унинг зарур жойларини ёза олсин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи маърузанинг ёзиб олинадиган жойларини аниқ ажратиши, ёзиб олишларини енгиллаштириш учун зарур бўлса такрорлаши лозим.

Кейинги йилларда юқори синфларни ўқитишида физика, кимё, тарих фанларидан кўпгина мавзудаги маъruzалар синфни кичик гурухларга бўладиган семенар машғулотлари билан биргаликда олиб борилмоқда.

Суҳбат. Суҳбат усули атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у ўқувчини фактлар тизиминм, янги тушунчалар ва қонунларни ўзлаштиришга олиб келади.

Суҳбат усулининг кўлланилишида саволларни қўйиш, ўқувчининг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, жавобларни тузатиш усулларидан фойдаланилади.

Саволлар қабул қилиниши учун етарлича ҳажмли бўлиши лозим. Шундай ухбатлар ҳам бўлиши мумкинки, унда ўқувчилар илгари ўзлаштирганларини эслайдилар, хуоса чиқарадилар. Будай суҳбатлар асосан тушунтириш характеристига эга ва илгари ўзлаштирилганларига суюниш, ўқувчилар хотирасини фаоллаштиришни кўзда тутади.

Таълимнинг кўргазмали усуллари. Таълимнинг кўргазмали усулларини шартли равишда икки катта гурухга бўлиш мумкин: иллюстрация ва намойиш қилиш усуллари.

Иллюстрация усули, ўқувчиларга иллюстрация кўлланмалар-плакат,харита, доскадаги расм ва бошқаларни кўрсатиш кўзда тутади.

Намойиш қилиш усули, одатда, асбоблар, тажрибалар, техник қурилмаларни намоиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш усулига, шунингдек, кинофильм ва диафильм кўрсатишни ҳам киритишиади. Кўргазмалик усулини кўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўтинишни таъминлаш, намойиш ва хоказолар натижаларини муҳокама қилиш.

Кейинги йилларда амалиёт кўргазма воситаларининг бир қатор янгилари билан бойиди. Ўқитиши амалиётига кундузи синфни қоронғилаштирмасдан ўқитувчининг шаффофф клёнкада тайёрланган расм, схема, чизмаларини кўрсатувчи ЛЭТИ аппарати, кодоскоплар кириб келди.

Ўқув киносини кўллаш усули таълим амалиётида одатдаги ходиса бўлиб қолди. Асосий ўқув фильмларининг рўйхати хозирги кунда мактаб дастурларига киритилди. Бу эса ўқитувчиларнинг танлашини анча осонлаштириди. Ўқув жараёнида мавзу бўйича тўлиқ фильм ҳам, шунингдек, кино парча ва кинокольцовкаларидан ҳам фойдаланилади.Кинокольцовка одатда ёпиқ жараёнларни акс эттиради. Мавзуни мустахкамлаш учун фильмлардан фойдаланиш самара беради.

Ўқув жараёнида фильмларни фойдаланишда тайёрлашда ўқитувчи уни олдиндан кўриши, намойиш қилиш давомида ўқувчилар олдига қўйиладиган асосий саволларни тузиши, дарснинг тегишли лағзасида кўрсатиладиган парчаларни, саволларни тузиши, алоҳидапарчаларни ажратиши лозим.

Урта мактаб, академик лицей, колеж ва олий ўқув юртлари учун кўплаб телефильмлар яратилди, шунингдек ўқув телекўрсатувлари ҳам олиб борилмоқда. Республика телевидиниесининг бўлажак кўрсатувлар дастуриматбуотда эълон қилинади.Буни ҳисобга олиб, мактабларда ўқув

машғулотлари жадвали тузилади ва уларни кабинетларга ўтказиш кўзда тутилади.

Таълимнинг кўргазмали усулининг ўзига хос хусусияти шундауи, улар сўз билан ифодалаш усули орқали ёки бу даражада уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлиги шунаки, объектив ва борлиқдаги қонуниятлар амалиётни биргаликда қўлланишини тақозо этади.

Шундай қилиб, сўз ва кўргазмалилик алоқасининг хилма-хил шакллари мавжуд. Уларнинг қайсисигадир устунлик бериш хато бўлар эди, чунки таълим вазифасининг ўзига хос хусусияти, шунингдек ўқувчилар тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир конкрет ҳолатда уларнинг энг оқилона қўшилуви танланади.

Тарбия усуллари тарбия фаолиятининг хилма-хил турларининг кенг доирасини қамраб олади. Амалий усулларга ёзма машқлар-она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқни бажариш машқлари киради. Машқ давомида ўқувчи амалда олган назарий билимларни қўллайди.

Шрганиш машқларига ёзма машқлар – она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича машқлар киради. Машқ давомида ўқувчи амалда олган назарий билимларни қўллайди.

Амалий усулларнинг иккинчи гурухини лаборатория тажрибалари ташкил қиласи. Кейинги ўн йилликда мактаб амалиётида фронтал лаборатория ишлари мустаҳкам ўрин олади. Шунингдек, амалий усулларга устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш цехлари, ўқувчилар бригаларда меҳнат топширикларини бажариш ҳам киради. Буларда ўқув устахонасидаги қофоз, картон, ёғоч, металл билан ишлаш, “конструктор” типидаги пермамадалар билан ишлаш билан боғлиқ барча ишларни киритиш мумкин. Таълимнинг шундай усуллари ҳам қўлланилади, бунда ўқув корхонанинг ишлаб чиқариш топшириғи бажарилади.

Амалий усулларга, шунингдек, ўқувчиларни овоз ёзиш ва овозни қайта ишлаш аппаратлари билан бажарадиган ишлари ҳам киритилади.

Тарбия усулига ўргатувчи машиналар билан машина триножорлар ва репититорлар билан машқ ҳам киради. Бу машиналар, одатда, ҳар бир доза учун назорат саволларини тайёрлаш, жавобни мустаҳкамлаш ёки янги йўлловчи саволларни қўйишни ташкил этади.

Амалий усуллар тарбиянинг сўз орқали ифодалаш ва кўргазмали усуллари билан чамбарчас боғлиқлиқда қўлланилади, машқ, тажриба, меҳнат операциясини бажаришдан олдин педагог тушунтириш беради. Оғзаки тушунтириш ва иллюстрацияни кўрсатиш, одатда, машқни бажариш жараёнининг ўзи билан бир вақтда олиб борилади.

Таълимнинг муаммоли-қидирав усули муаммоли таълим жараёнида қўлланилади. Бу методлардан фойдаланишда ўқитувчи аввало муаммоли вазиятни яратади, саволларни қўяди, экспериментал топширикларни таклиф қиласи. Ўқувчилар олдинги тажриба билимларига асосланиб муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги таклифларни айтадилар, олдин олган билимларини умумлаштирадилар, ҳодисаларнинг сабабларини аниқлайдилар, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайдилар.

Ўқув материалларини муаммоли ўтиш муаммоли тузилган маъруза усуллари орқали баён давомида мулоҳаза юритишни, исботлашни, умумлаштиришни ва тингловчи фикрини ўз ортидан эргаштиришни, уни фаолроқ ва ижодийроқ қилишни кўзда тутади.

Муаммоли таълим усулларидан бири эвристик ва муаммоли қидирав сухбати ҳисобланади. Бунда педагог ўқувчилар олдига қатор изчил ва ўзаро боғланган саволларни қўяди. Агар эвристик сухбатда бундай тахминни янги мавзунинг фақатгина бирор элементига алоқадор бўлса, муаммоли-қидирав

сұхбатда ўқувчилар муаммоли вазиятнинг бутун сериясини ечадилир. Шунинг учун ҳам бу сұхбатларнинг фарқли шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига таълуқлидир.

Таълимнинг муаммоли-қидирув усулларида кўргазмали қўлланмалар эсда сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтларда расмлар ва схемалар серияси кўринишида муайян ўқув вазиятлари тасвиirlарнинг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда ўқувчиларнинг мустақил фикирлашининг устивор сабабларини аниқлаш онсон кечади.

Муаммоли-қидирув усуллари кўпроқ ижодий билиш фаолияти кўниkmаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар ўқувчининг билимини чукур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу усуллар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув материалида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакиллантиришига йўналтирилганда, фактик инфомацияни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория-экспериментал ўқув ва кўниkmаларини ҳосил қилишда, ўқув материалининг мазмунини принципиал жиҳатдан янги бўлмасидан, илгари ўрганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида ўқувчилар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа; мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқа алоқаларни аниқласа, умумлашмалар ва бошқаларга олиб келса. Қидирув усуллари ўқитувчилар ўқувчиларни муаммоли вазиятни ечиш фаолиятига тайёрлаган ҳолатларда қўлланилади.

Талим-тарбия жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштириш. Агар таълим жараёни талабада фаол ҳаракат, билим ва кўниkmалар ортириш иштиёқини уйғотсагина бу жараён самарали кечади ва сифатли натижа беради.

Б жараёнда ўқув фаолияти, унинг мазмуни, шакли ва амалга ошириш усулларига муносабатда ижобий ҳиссиётнинг юзага келишини таъминлаш мумкиндиr. Шунинг учун ҳам диққат, эслаб қолиш, англаш жараёнларига бундай ҳолатларда ўқувчининг чукур ички кечинмалари қўшиладики, бу жараённи қизғин кечадиган қиласи ва мақсаддага эришиш маъносида анча самарали бўлади.

Таълимни ҳиссий рағbatлантириш усулларидан бири дарсда қизиқарли вазиятни яратишидир. Бунда гап ўқув жараёнига қизиқарли мисолларни, тажрибаларни, фактларни киритиш устида боради. Масалан, физика фанида «физика рўзгорда», «изиуа эртакларда» каби мисоллар бўлиши мумкин.

Ҳиссий кечинмалар ҳайратланиш усулинин қўллаш йўли билан ҳам ҳосил қилинади. Рағbatлантириш усулларидан бири айrim табиат ходисаларини илм-фан нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунтиришидир.

Дарс давомида ҳиссий вазиятни яратиш учун ўқитувчи нутқининг бадиийлиги ва ёрқинлиги катта ахамиятга эга. Ўқитувчининг нутқи булариз ҳам ахборот сифатида фойдали бўлсада, лекин у ўқувчининг ўқув билиш фаолиятини рағbatлантиради. Қизиқиши шакллантириш усуллари нутқининг бадиийлиги, образлилиги ва ёрқинлигини таъминлаш билан бирга ўз навбатида ўқув фаолиятига ижобий муносабатни уйғотиши ҳамда билишга қизиқиши шакллантиришда дастлабки қадам бўлиши керак.

Ўқув фаолиятига қизиқишининг асосий манбаи, аввало унинг мазмунидир. Бу мазмун кучли рағbatлантирувчи таъсир кўрсатиши учун таълим принциплари қатор талабларга жавоб бериши лозим. Бунда таълим мазмунининг рағbatлантирувчи таъсирини оширадиган айrim маҳсус усуллар ҳам мавжуддир. Уларга биринчи навбатда янгилик, долзарблик ҳолатларини киритиш мумкин. Ана шу мақсада ўқитувчи мамлакат жамоатчилигига алоҳида қизиқиши уйғотаётган, вақтли матбуотда эълон қилинаётган, телевидиние ва

радио орқали берилаётган фактлар, расмларни маҳсус танлайди. Ана шундагина ўқувчилар дарсда ўрганилаётган масалаларнинг муҳимлигини ёрқин ва чуқур ҳис қиласидилар ва шунга асосан унга катта қизиқиш билан ёндашаилар.

Ўқишига қизиқиши рағбатлантиришнинг муҳим усули сифатида билишга доир ўйинлани айтиш мумкин. У ўқув жараёнида ҳордиқ чиқариш вазиятини яратади. Ўйин ўқишига қизиқиши уйғотувчи восита сифатида аллақачон тан олинган. Масалан, саёҳат, электровикторина каби ўйинлар ёрдамида муайян туманларнинг ҳайвонот дунёси, ўсимликлари, табиати ўрганилади.

Мактаб иши амалиётида дарсда маҳсус ташкил қилинадиган ўқув баҳсларини тез-тез учратиш мумкин. Бунда юқори синф ўқувчилари ўқтувчиларнинг топшириғи билан у ёки бу бадий асарни турли ҳил нуқтаи назардан таҳлил қилувчи адабиётларни ўрганадилар, янги физикавий ва кимёвий қашфиётларга турлича нуқтаи назарни муҳокама қиласидилар. Бундай ўқувчилар концепциялар тарафдорлари бўлиб чиқадилар. Ўқишига ҳавасни рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларидан бири талабаларда қувонч ҳиссини яратишдир. Муваффақият вазиятини яратишда у ёки бу ўқув топшириғини бажариш учун қулай маънавий-психологик муҳитни танлаш ҳам роль ўйнайди. Кулай микро ижтимоий иқлим ўқиши вақтида ишончсизлик, қўрқиши туйғусига барҳам беради. Бунда иккиланиш ҳолати ишониш ҳолати билан алмашинади.

Талабаларнинг ўқиши давридаги бурч ва маъсуллик асослари. Таълим жараёни билишга қизиқишигагина эмас, балки бир қанча бошқа омилларга ҳам таянади. Бу омиллар ўқувчига ўқишидаги муқаррар қийинчиликларни бартараф этиш, уларни енгишдан қувониш ва қониқиши туйғусини бахш этади.

Маълумки, талабаларнинг ўқишидаги бурч ва маъсуллик асослари бутун бир гурух усулларини қўллаш воситасида шаклланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқишида бурч ва маъсулиятни шакллантириш таълим ва тарбия жараёнининг бирлигини тақозо этади.

Талабаларда ҳамма фанлар бўйича муваффақиятли ўқишининг шахсий аҳамиятини тушунишни шакллантиришда ўқитувчи бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Агар талабалар бўлажак мутахассислигига яқин ўқув фанларни ўзлаштиришнинг аҳамиятини тушунтириш осон кечади. Бунда ўқувчи техник ихтисосини танласа, унга гуманитар цикл фанларининг аҳамиятини тушунтириш ўринли бўлади.

Таълим жараёнида билим, кўнікма ва малакаларнинг даражасини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу хусусда оғзаки савол-жавоб шакли анъанавий усуллардан бири хисобланади. Оғзаки савол-жавоб якка-якка ва ёппасига сўраш орқали амалга оширилади. Якка ўқувчидан сўралганда ўқитувчи ўқувчига бир неча савол беради.

Оғзаки савол-жавоб талабалар оғзаки нутқ маданиятини ўстиради. Уларни сўзамолликга, равон сўзлар ишлатиб мантиқий жавоб ахтаришга шаклланган билимларни сўзларда ифодалашга ўргатади. Педагогнинг вазифаси талабалар нутқидаги баъзи хатоликларни усталик билан тўғрилашдан иборат. Кўполлик билан берилган танбех талабаларда сўзлаш иштиёқини қайтаради. Мақтov, далда бериш каби педагогик тадбирлар талабаларда ўзига ишонч уйғотади, гуруҳда мусобақавий кўтаринкилик руҳини уйғотади, гуруҳ жамоасини янада, бирлаштиради. Аммо шунга қарамасдан, оғзаки савол-жавобга барча талабаларни юз фоиз жалб қилиб бўлмайди. Чунки айрим тортинчоқ характердаги талабалар бошқалар олдида сўзлашга ийманадилар, хато гапириб кўйсам кулгига қоламан, деб ўйлайдилар.

Кўп ҳолларданазоратнинг ёзма шакли талабалар ички сир-асрорларини, кечинмаларини, яшириниб ётган истеъоддларини очиш имконини беради. Бу усулда ёзма назорат, иншо, баён, диктант, ёзма синов ва ҳоказоларни 15-20 минут ёки дарс давомида ўтказиш мумкин.

Кейинги йилларда ёзма ишларнинг дастурлаштирилган шакли кенг қўлланиляпти. Бунда ўқитувчи соволлар рўйхатини тузади, уларнинг ҳар бирiga мумкин бўлган жавобларни таклиф қиласди, бу жавоблардан биттаси тўлароқ бўлади. Талабаларнинг вазифаси жавоблар ичидан нисбатан аниқроқ ва тўларофини топиш.

Мактабларда назоратнинг нисбатан янги усули – бу талабалар тайёргарлигининг лаборатория назоратидир, У синфнинг ярим таркиби билан ўтказилади, айни вақтда синфнинг иккинчи ярми ёзма ишни бажаради. Бу хил назоратда талабаларнинг шу қунгача ўрганган назарий билимлари лаборатория шароитида синалиб, амалда тадбиқ қилиб кўрилади. Масалан, талабалар меҳнат ва физика дарсида штангенциркуль, микрометр, амперметр, волтъметр, термометр каби ўлчов асбобларининг вазиалари, тузилишларини ўрганган бўлсалар, лаборатория машғулотида шу асбоблардан фойдаланиш кўнилмаларини эгаллашади. Унга, тажриба ўтказиш талаб қилинадиган, назорат вақтида амалга ошиrsa бўладиган масалаларни ечиш ҳам киритилади,

### **Назорат саволлари:**

1. Бугунги кунда ёш мутахассисларга қўйилаётган талаблар
2. Олий мактаб таълими жараёнидаги саълбий жиҳатларни санаб беринг?
3. Олий мактабда фаолия қўрсатаётган мутахассис образи қандай бўлиши лозим?
4. Таълим тизимида олий мактабнинг ўрни.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермуҳамедова Н.А. Таълим фалсафаси. -Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, -193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

## 4-мавзу: Таълим жараёнида қадриятлар тизими.

### РЕЖА:

- 4.1. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти
- 4.2. Қадриятларнинг таълим жараёнидаги ўрни

**Таянч сўзлар:** Қадрият, таълим жараёни, миллатчилик, миллий истиқлол, ижтимоий фалсафа..

### 4.1. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодасиларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғуур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик Айни пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қатағон сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча лугат бойлигидан суреб чиқаришга харакат қилган эди. Бунга далил сифатда 1988 йили ЎзСЭ Бош таҳририяти чоп этган 50 минг сўзлик «Ўзбекча-русча лугат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг киритмаганлигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, 1981 йили Москвада «Рус тили» нашриёти томонидан чоп этилган, 60 минг сўзни қамраб олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ҳам бу сўзлар учрамайди. Шуниси борки, ҳатто баъзи русча – ўзбекча лугатларда ҳам «қадрият» сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «ижтимоий – сиёсий терминлар лугатида» «ценность» сўзининг тўртта маъноси алоҳида лугат мақоласи тарзида белгилангани ҳолда уларнинг бирортаси «қадрият» маъноси ўз ифодасини топмаган. Лекин лугатларда «миллатчи», «миллатчилик» сўzlари бор.

Хўш, сабаби нимада? Бизни фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан ёки тасодифий туғилгани йўқ. Бу мустабит тузумнинг минтақамиз халқларини ўзларининг кўп асрлик тарихи, бой ва ноёб миллий мероси, қадриятлари, маънавиятидан жудо этиб, манқуртларга айлантиришга қаратилган сиёсати натижасидир.

Ҳукмрон сиёсат тарафдорлари «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғуур» каби атамаларни кишида миллатчилик кайфиятини уйғотадагин тушунчалар деб баҳоладилар ва уларни ифода этувчи маҳаллий миллат вакиллари миллатчиликда айланиб, тазиқ остига олинган. Шунинг учун миллий маънавият ва хурфикрилигини мадҳ қиласидиган тушунчалар кўп

йиллар давомида ижтимоий – сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётимизда ишлатилмай келинди. Ҳатто уларни миллий сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи туғилди.

Истиқлол ҳалқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда, илгари тақиқланиб келинган кўпгина миллий тушунчалар ҳам ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустаққиллик», «истиқлол», «миллий ифтихор» каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичида теран илдиз отиб кетишида Биринчи Президент И.А.Каримовнинг хизматлари катта. Унинг асарлари ва нутқларида мустаққиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизни тикланиши, миллий ғуруримиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тикланиши ват обора юксалаётганлиги фахр-ифтихор билан қайд қилинади.

Хўш, қадриятлар тушунчасининг ўзи нима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд этиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ёндашувларни учратишими мумкин. Масалан, «Файласуф энциклопедияси»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуидагича тавсифланади:

«Қадриятлар фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бирор объектнинг ижобий ва салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгининг норматив белгиловчи – баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади».

Шунга яқин нуқтаи назар Ўзбек Совет энциклопедиясида ҳам баён этилган: «Қадриятлар (фалсафа социологияда) – воқеликдаги муайян ходисаларнинг инсон, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча».

Таниқли файласуф олим В.П. Тугариновнинг фикрича, «қадриятлар муайян жамият ва синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ходисаларининг моҳияти ёки ходисанинг бир жиҳатидир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб – кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасарруфларидағи қадриятларни ҳимоя қиласидилар ва ўzlари учун мақсад ёки идеал қадриятларни амалга оширишга интиладилар.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётда муҳим бўлиш бошқа барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради,... қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир».

Олим «қадрият» ва «баҳо» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини ўқтиради. Қадрият реал ёки орзусидаги ходиса (бор нарса ёки идеал)дир, юаҳо эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳолда ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга – ижобий ва салбий баҳога боғлиқ.

Дарҳақиқат, қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфыайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишлидан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил бўлиб, кўпинча улар бирбирига зид келиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар учун олий қадрият бўлиб, ҳисобланиб келинган табиат ва жамият ходислаари бошқалар учун қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча.

Миллат ва халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётий сифатини тиклаб олмоқда.

Бундан шундай хulosа чиқариш мумкин: табиат ва жамият ходисаларини қадрият туркумiga киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-умидлари, мақсадлари билан белгиланади.

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ходисалари тушунилмоғи лозим.

Мазкур таърифдан қуйидагича хulosа қилиш мумкин: биринчидан, қадриятлар, воқеликда мавжуд бўлган табиат ва жамият неъматлари, ходисаларни ифодалайди; иккинчидан, уларни қадрият туркумiga киритиш ва киритмаслик эҳтиёжларини, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлардан келиб чиқади; учинчидан, табиат ва жамият неъматлари, ходисаларнинг қадриятлар туркумiga киритилишини асосий сабаби – уларни қадрлайдиган авайлаб – асрайдиган макон ва замон мавжуд бўлишидир

Қадриятлар ижтимоий хусусиятларга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳаларидаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ходисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ходисалари инсон фаолияти натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ходисаларини қадрият деб баҳолаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлар инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлангандан кейингина қадриятга айланган. Шунгача уларни бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим

Қадриятларнинг мамлакатмизда илмий тадқиқот мавзусига айланганига унга кўп бўлгани йўқ. Бу мавзу илгари фалсафий фанлар бўйича олиб борилган тадқиқотларда, китоблар, рисолалар ва дарсликларда алоҳида тилга олинмасди.

Фалсафа қомусий лугатда қадрият тушунчасига қуйидаги таъриф келтирилган. Қадрият – воқеликдаги муайян ходисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қулланиладиган фалсафий – социологик ва аксеологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ходиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчликтинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида- ёдгорлик, гўзаллик ахлоқий хислат ҳамда

фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланди<sup>[1]</sup> Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний миллий, миңтақавий шахсий бўлиши мумкин. Қадриятлар ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривожи, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмууси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гурухлар фаолияти хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда.

Инсон бутун умри давомида сон – саноқсиз қадриятлар оламида яшайди. Инсониятни ураб турган борлиқ, табиий ва ижтимоий атроф – муҳим, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарият хусусиятга эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини юқотмайдигон, абадий мулақ ва муқаддас қадрияттир.

Қадрият тушунчасининг ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таърифлари купгина илмий адабиётларда турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, баъзан эса уларнинг бутунлай бир-бирини инкор этиш хрллари хам учрайди.

Қ.Назаров ўзининг бир қатор ишларида, ушбу муаммонинг ўта долзарблигини таъкидлаш билан бирга, унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари, намоён булиш хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлар тизимидағи ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил килиш билан бир қаторда мазкур масалаларга эътибор кам эканлигини курсатиб ўтган, қадрият тушунчасини - вокеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча, деб тушуниради<sup>[2]</sup>

Т.Абдуллаев "Турмуш соҳасида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектикаси" номли докторлик диссертациясида турмушдаги миллий ва байналминаллик муносабатларини, улар билан

боғлиқ қадриятларни таҳлил қилган<sup>[3]</sup> И.Саифназаров, Ф.Саифназаровалар фикрича, “миллий-маънавий қадриятлар - мураккаб ижтимоий-рухий ҳодиса булиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики маънавий бойликларини қамраб олади”<sup>[4]</sup> Бизнинг фикримизча қадрият дейилганда, инсон, миллат жамият учун аҳамиятли булган, айрим шахс, миллат, элат ёки ижтимоий гурухларнинг маънавий-маданий эҳтиёжлари эволюцияси давомида вужудга келган, ўз манфаатлари ва мақсадлари учун хизмат қиласидиган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунамиз.

Қадриятлар сермазмун ва куп қиррали тушунча булиб, уз ичига табиий, ижтимоий-сиёсий, хукуқий, моддий, маънавий, диний, ахлоқий, бадиий-эстетик ва х.кларни олади. Ҳар кандай қадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф-муҳитга нисбатан булган муносабатининг ифодасидир. Қадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир даврнинг маънавий мағзи бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини акс эттиради.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга булиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо буладилар ва ривожланадилар. Инсон йуқ жойда бирон нарсанинг қадр-киммати булмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур булган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар ва маънавий жараёнлар

мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади.

Қадрият инсоннинг борлиғи ҳам жамиятнинг ахлоқий эстетик, ҳуқуқий саҳоларини ҳам, ижтимоий онг соҳасининг ҳам қамраб олган мураккаб жараёндир. Инсоннинг ўзлиги, менлиги борлигининг асосий фундаменти қадрият билан бойитилади, тўлдирилади. Кишилар ўзларининг амалий фаолиятида ҳаёт учун зарур бўлган табиий талаб, эҳтиёжларини предметлар ва ҳодисаларнинг ҳосса –хусусиятиларидан фойдаланиб қондирадилар. Масалан, одамнинг чанқовини сув, очлик хиссини нон, кислород нафас олий орқали тананинг унга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам ҳам биз бу «неъматларни қадрлаймиз. Лекин шундай нарсалар ҳам борки, улар бизга ёқмайди, улар ҳаётимиз учун зарурдир. Кўполлик, бехаёлик, ўғрилик, ёлғончилик, ифлослик ва ҳоказолар ана шундай ёқимсиз нарсалар бўлиб, биз улардан қўтилишга интиламиз.

Қадриятлар фалсафасининг тарихи ўзок бўлсада, бу тўғрисидаги фан аксеология ўтган асарнинг ўрталарида шаклланди. Бу атама илмий билимлар соҳасига ўтган асарнинг иккинчи ярмида немис аксеология Э. Гартман ва француз олими П.Папи томонидан киритилган. Аксеологияни қадриятлар тўғрисилаги фан ёки тўғридан-тўғри қадриятшунослик, деб аташ мумкин. Ҳар бир фанга ўз номини берган асосий тушунчаси ҳам қадриятшунос атамаси учун шундай асос ролини бажаради. Ғарбда бу атама грекча «ахио» (қадрият), «logos» (фан, таълимот) тушунчаларига асосланади.

Ҳар қандай фанни илмий билимларнинг маҳсус соҳаси сифатида қараш ана шу фанга хос Мавзулар, функциялар, тушунчалар, қонунлар, категориялар борилигини ҳам эътироф этишни заруриятга айлантиради. Аксеологияни ижтимоий – фалсафий билимларнинг маҳсус соҳаси сифатида қараш ҳам бундан истисно эмас. Унда ҳам бу соҳадаги фанларга хос бўлган ҳамма хусусиятларни кузатиш мумкин. Қадриятшунослик аксеологик онг, қадрлаш туйғуси, аксеологик билиш, қадриятли ёндашув ва бошқалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир. Тўғри бу билимлар эндиғина муайян фан даражасига ётган илмий система сифатида, яхлит ҳолатда, маҳсус қўлланма ёки дарслклар тарзида чоп этиш учун етарли бўлиб қолган. Маданиятшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар ўз тадқиқот обьекти, предмет ива вазифаларига эга бўлганича ҳам кўп бўлгани йўқ. Улар маҳсус тадқиқот обьектига, илмий соҳага айланашига тўртки бўлган бу мустақиллик ҳисобланади. Қадриятлар фалсафаси фаннинг ривожланиши, маҳсус мақомга (статусга) эга бўлиши ҳам ўз истиқлолимиз сабаби бўлди. Чўнки бу ўтиш даврида қадриятлар ҳам йўналишини, таркибини ўзгартириши табиий ҳолдир. Шундай экан, қадриятлар ҳақида фалсафий билимларнинг оширишимиз, ривожлантиришимиз давр талабидир. Тадқиқотлар орасида қадриятлар тўғрисидаги билимларга нисбатан турли муносабатни кузатиш мумкин. Бу

муносабатни шу соҳада қўлланиладиган атамаларда ҳам намоён бўлмоқда. «Аксеология», «қадриятшунослик», «қадриятлар фалсафаси», «қадриятлар назарияси» каби атамаларда хилма-хил маъно ва мазмун ифодаланади. Масалан, «аксеология» ва «қадриятшунослик» атамалари муайян фан соҳаси ёки билимлар системасини ифодалайди, «қадриятлар фалсафаси» эса, қадр ва қадриятлар билан боғлиқ фалсафий йўналишни англатади, аммо бунеда алоҳида фан соҳаси тўғрисида гап бормайди. Қадриятлар назарияси кўпроқ собиқ совет иттифоқи даврида ишлатилган атама бўлиб, у қадриятлар соҳасидаги билимларни фалсафанинг ниҳоятда мўжаз қисми сифатида эътироф этишни англатар эди. Бунда аксеология кўпроқ бурунда фани сифатида танқид этилар эди. Чунки қадрият ҳақида сўз борганда аввало шахс, миллат, халқнинг энг юксак, олий қадриятлари бўлмиш эркинлик, озодлик, адолат, миллатчилик тушунчалари ҳақида гапирилар эди.

Қадр-қиммат шахснинг хурматлашиш, унинг хуқуқларини эътироф этишни ҳам қамраб олади. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигини муҳим томони сифатида юзага келади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлинни очиб беради.

Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этилмоқда.

Бугунги фан ва фалсафанинг тадқиқот предметида қадриятлар ибораси тез-тез учраб туради. Аммо, алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда қадрият иборасини жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан бу тушунчани умумий атама сифатида қўллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларга нисбатан қадрият иборасини қўллашга қўпчилик кўнишиб қолди. Аммо айнан шу кундалик ҳаётдаги маъноси илмий адабиётларга кўчиб қолаётганлиги кишини ачинтиради. Ҳамма тушунгани ўз жойига, ўз кўламига ишлатиш илмийлик талабларидан биридир. Қадриятлар ҳақидаги илмий баҳслар, фалсафий мулоҳазалар доим давом этаверади. Чунки жамиятининг маънавий-интелектуал тараққиёти, инсониятни эҳтиёjlари доимий ҳаракатдадир.

#### **4.2. Қадриятларнинг таълим жараёнидаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида қуйидагиларни таъкидлаган: "... агарки

дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг шарафлиси устоз ва мураббийликдир". У ўз фикрини давом эттириб: "... ўқитувчи, наинки, синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган мўътабар зотdir", дейди. Жумладан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: "Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик қўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда", деб алоҳида таъкидланган эди. Бу ҳолат айниқса модернизациялашган таълим шароитида яққол сезилмоқда. Таълимни бошқаришнинг паст даражаси ўқитувчининг тайёр эмаслиги, инновацион жараёнларнинг номунтазамлилиги билан белгиланади. Жамиятнинг истиқболдаги тараққиёти интеграллашган таълим мазмунида ўз ифодасини топиши керак. Унинг тизимли характерга эгалиги қуйидагилар ёрдамида аниқланади:

1) фан бизни ўраб турган билимлар тизими, ўз-ўзини ривожлантириш қонуниятлари ва механизмлари; 2) маданият жамият ва табиат ҳақидаги тушунчалар тимсоли сифатида, унинг эстетик баҳоси; 3) ахлоқ инсонлар орасида алоқа қоидалари сифатида; 4) мақсадни ифодаловчи ғоялар, алоҳида гуруҳларнинг қизиқишлигар тизими; 5)таълим мулоқот шакли ва келажак авлодларга ўтмиш тажрибасини етказувчи восита сифатида, эстетик, ахлоқий ҳамда ғоявий қадриятлар келгуси авлодларга таълим воситасида етказилади. Инсонпарварлик тизимини модернизациялаш ресурслар интеграциясигагина йўналтирилмаган, балки ахборотларнинг глобаллашуви шароитида баркамол шахсни шакллантиришга қаратилгандир. Инсонда объектив борлиқ, моддий олам ва ўз-ўзига нисбатан қадриятли муносабатларнинг таркиб топиши бунинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Биз юқорида айтилганлар асосида қуйидаги учта хулосани баён қиласиз: 1) таълим ҳамда уни бошқаришда интеграллашган вазифаларнинг кучайиши, бу интеграцияда катта ва ечилмаган аҳамиятга эга ҳисобланган бир қатор қадриятлар ривожланишининг йўналишини ташкил қиласи; 2) ҳар томонлама уйғун ривожланган шахснинг аҳамияти сақлаб қолинади ва ривожланади; унинг маънавий қисмлари эса, таълим жараёнида қадриятлар сифатида намоён бўлади; шунинг учун ҳам таълим тизими ва жараёнида турли гуруҳларнинг мақсадлари ва қадриятлари ўзаро келишилган бўлиши лозим; ўқув жараёнининг барқарорлиги ва бошқарувчанлигини таъминлаш учун башоратнинг аҳамиятини кучайтириш назарда тутилади; 3)инновацияларнинг ўзига хос жиҳатлари шахснинг шахсий тажрибаси даражасида ҳосил бўлади ҳамда рефлексияда уларнинг бу жиҳатлари акс этади. Бу айниқса, анъанавий ва инновацион жараёнларнинг ўзаро алоқасида намоён бўлади. Бу унинг тадрижийлиги, динамиклиги, мураккаб дунёга мослашувчанлиги, ички интеграция ва ўз-ўзини ташкил қилиш.

Ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида касбий компетентлилигини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: билишнинг умумилмий методларини жалб қилиш, ўйин ва имитацион моделлаштириш, амалий методикалар, масалан, сценарийли режалаштириш,

уларнинг қўлланилиши танлов стратегиясини тақозо қиласди. Диалогда мақсадга эришиш учун қадриятлар ва ресурслар билан келишиш лозим. Жамият тараққиёти тенденциясига таянган ҳолда қадриятлар, мақсадлар ҳамда таълимнинг ривожланиш қонуниятлари, ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимиға қўйилган талаблар, инновацион янгиланишлар шароитида уйғунлашиш ва глобаллашиш, таълимни бошқаришда кўпроқ умуммаданий тамойилларга мурожаат қилиниши лозим, бунда:

- педагог кадрлар малакасини оширишда узвийлик ёки тадрижийлик тамойили;
- маънавиятлилик тамойили, маданиятли англаш тамойили, инсон ва таълимнинг қадрият эканлиги, таълим бериш фаолияти;
- ўқув жараёнини бошқаришга тизимли қадриятли ёндашиш тамойили, ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида ишлашга тайёрлашга оид илмий ёндашувларни муайян тамойилларга таянган ҳолда илгари суриш;
- ўзаро алоқаларни ҳисобга олиш тамойили, ривожланишда мунтазамлик ва номунтазамликнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини ҳисобга олиш тамойили, агар мунтазам ривожланиш йўналиши кўп даражали инновацион жараёнларнинг қўзғалишини тузатишни назарда тутса;
- инсон фаолиятининг барча турларида концептуал билимларнинг тизимли-илмий моҳияти ортиши тамойили;
- ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида ишларига тайёрлашда олдинни кўра билиш ва башорат қилишнинг етакчилиги тамойили, бу қадриятли келишганлик ва қадриятли интилувчанлик сифатида эътироф этилади. Худди мана шу тамойилларга таяниш натижасида айrim мухим талаблар келиб чиқади. Ўқув жараёнини бошқаришнинг илмийлигини таъминлаш ҳамда маданиятлараро ҳамкорлик ва биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш. Бунда:
  - 1) фалсафий даражада-бу ижтимоий маданий контекстларнинг кенгайиши, таълим жараёни натижавий компонентининг қадриятли натижаланган қисмигача ривожлантириш; 2) умумилмий даражада-умумилмий аҳамиятга эга бўлган методларни қўллаш, жумладан, моделлаштириш, имитацион, ўйинга асосланган ўқув жараёни моделини ишлаб чиқиш; ўқув жараёнида фанлараро алоқадорликни кенгайтириш, бунда моделлаштириш ва башорат қилиш методларидан фойдаланиш, иқтисодий педагогик моделлаштириш ва ресурсли таълимий башорат қилиш; 3) муайян илмий даражада — таълим мазмунини лойиҳалаш қадриятларга йўналтирилган тизим сифатида ҳамда таълим технологияларининг ижтимоий маданий вазифаларини долзарблаштирувчи ҳодиса сифатида мухим аҳамиятга эга; сценарийли режалаштириш методидан фойдаланиш ҳамда ўқув жараёнини бошқаришда тизимли динамик моделлаштириш ўқитувчи фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим;
  - 4) ўқитувчининг методика ва техникаси даражасида- индивидуал табақалаштирилган ёндашувни кучайтириш, таълимнинг узлуксизлиги тамойилига амал қилиш ҳамда бу жараёнда ўқувчининг шахсий ривожланишини таъминлаш мухим аҳамиятга эга.

Ушбу тамойиллар ва қоидаларни амалиётга татбиқ этиш шарт-шароитлари

ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида ишлашга тайёрлашнинг узлуксиз жараёнида жамият инновацион ривожланишининг муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Ўқув жараёнини инновацион тарзда янгилаш жамиятнинг умумий қонуниятларига яхлит тарзда ҳамда ўқитиши қонуниятларига қисман таянган ҳолда амалга оширилади. Ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнининг мазмунини аниқлаш ва уни лойиҳалаш ҳам алоҳида долзарблиқ касб этади. Бунда узлуксиз тайёрлаш жараёнининг режаси, дастурлари, ўқув материалларини ишлаб чиқиш ниҳоятда зарур. Ўқув жараёни ва малака ошириш тизими орасида бир қатор аҳамиятли фарқларнинг бўлишига қарамасдан, ўқитувчиларни модернизациялашган таълим жараёнида ишлашга узлуксиз тайёрлаш тизимини тенглаштириш талаб қилинмоқда. Замонавий талабларни тадбиқ қилиш эҳтиёжига кўра, таълимнинг илмийлиги модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришнинг муайян дастурини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг индивидуал таълим йўналишларини ҳам белгилаш эҳтиёжи ҳам вужудга келади. Бунда модернизациялашган таълим мазмунини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш лозим.

Амалий кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида касбий компетентлилигини ривожлантириш тизими ички майдонча мавқеига эга бўлиши лозим. Бу майдончада ўқитувчи ўқув жараёнининг янги мазмуни ва технологияларини синовдан ўтказиши зарур. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчиларни модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш педагогик фаолиятнинг ягона когнитив, аксиологик ва фаолиятга асосланган қисмлари уйғунлигини таъминлашга йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнини бошқариш юқорида айтилган тамойиллар ва қонуниятлар асосида амалга оширилганда, ривожлантирувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда таълим тизимини янгилаш, янги технологиялар билан бойитиш, мазкур жараёнда ўқитувчининг ўрни, унинг педагогик фаолиятини чукур ўрганиш масалалари педагогика назарияси олдида турган муҳим вазифалардандир. Замонавий таълим назарияси кўплаб ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасида эришган ютуқларини мужассамлаштирган бўлиб, улар ўзининг мақсад, вазифалари, мазмуни, миллий хусусиятлари ҳамда сифат кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқланади. Зеро, биз юқорида таъкидлаб ўтган жараёнлар модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда ўзига хосликни кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадриятлар фалсафасига изоҳ беринг.
2. Таълим жараёнида миллий қадриятларнинг ўрни.

3. Таълим жараёни ва қадриятларнинг боғлиқлигидаги фалсафий жиҳатлар.
4. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида миллий қадриятларнинг акс этиши.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермухамедова Н.А. Таълим фалсафаси. -Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

### **5- мавзу: Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашуви**

#### **РЕЖА:**

- 5.1. Ўзбекистонда таълим сиёсатининг гуманистик мазмуни.
- 5.2. “Таълимни инсонпарварлашириши” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
- 5.3. Таълим тизимини инсонпарварлашишининг ташкилий-услубий асослари.

**Таянч сўзлар:** “Таълим тўғрисида”ги Конун, таълимнинг инсонпарварлашуви, узлуксиз таълим, таълим берии, гуманност.

#### **5.1. Ўзбекистонда таълим сиёсатининг гуманистик мазмуни.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунининг З-моддасида қўйидагича таъкидланган, “таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигини, таълимнинг узлуксизлиги ва изчилигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир”.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланган: “Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларидан бири таълимнинг инсонпарварлашуви”<sup>4</sup> – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви

Узлуксиз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш тадбирлари – бу тизимни демократик ва инсонпарварлик йўналишларида қайта қуриш билан ҳам боғлиқ. Чунки, инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари миллий ғоя билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг моддий фаровонлиги ва маънавий баркамоллиги, эркин, мустақил, ижодий фаолиятини, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги ва бир-бирига ғамхўрлиги каби энг юксак, илғор инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади. Одиллик, ҳалоллик, поклик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, одоблилик, виждонлилик, иймон-эътиқодлилик, меҳмондўстлик, камтарлик, ор-номусни, шарм-хаё ва иффатни эъзозлаш, тинчликсеварлик, олижаноблик, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби юксак инсоний фазилатлар ҳам инсонпарварликнинг намоён бўлишидир. Бу эса, ўзўзидан, узлуксиз таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўяди. Ушбу эҳтиёж мазкур масала бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни ва тавсияларни таълим-тарбия тизимиға жорий этиш, ижтимоий-гуманиар фанлар мазмунига киритиш йўл-йўриқларини ўзида ифода этади. Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш, умуман жамиятни инсонпарварлаштиришнинг ажralmas таркибий қисми эканлиги таъкидланади ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлардан бири – мазкур тизимни инсонпарварлаштириш йўл-йўриқлари ва мақсадлари очиб кўрсатилади.

<sup>4</sup> Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Шарқ” нашрёти, Тошкент, 1997, 44-бет.

Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш, умуман жамиятни инсонпарварлаштиришнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлардан бири узлуксиз таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишидир. Бу эса, таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш уни қайта қуришнинг энг асосий ва марказий муаммоларидан биридир.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш кенг дунёқарашли ва маърифатли, ақл-идроқи мукаммал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, руҳан тетик, ўз мамлакати ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролида ўзининг фуқаролик масъулиятини тўғри ва тўла англаб етган иймонли, комил инсон шахсини тарбиялаш мақсадларидан келиб чиқади.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг марказий масаласи ёшларда юксак ахлоқ ва фуқаролик сифатларини шакллантириш, инсоннинг ор-номуси, шаъни ва масъулияти каби туйғуларни, ватанпарварликни, маънавий-руҳий фазилатларни тарбиялашдан иборатдир.

## **5.2. “Таълимни инсонпарварлаштириш” тушунчасининг мазмун-моҳияти.**

Таълимни инсонпарварлаштириш таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик вазифасини амалга оширишнинг муҳим омилларидан биридир. У ташкилий, услугбий, ҳуқуқий-меъёрий, педагогик-психологик тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Бундай тадбирлар мажмуаси инсонпарварлик ғояларининг ва таълим-тарбиядаги гуманитар восита ва услугларнинг табиий-илмий ва техник билимлар доирасига кириб боришни таъминлашга ва шулар орқали таффакурнинг технократик усулини енгиб ўтиш ва бартараф қилишга қаратилади.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг бош мақсади - илмий-техник билимларнинг гуманитар таълим билан чамбарчас бирлигини ва ўзаро боғликлигини таъминлашдан иборатдир.

Узлуксиз таълимни инсонпарварлаштириш ижтимоий-маданий қадриятларни инсоннинг ижтимоий интизоми ва унинг ихтисослик бўйича меҳнат фаолиятининг ажралмас ва табиий белгиларига, хусусиятларига

айлаштиришдан иборат бўлиб, бўлажак мутахассиснинг инсонпарварлик сифат ва фазилатларининг устивор бўлишини таъминлашга қаратилади. Таълимни инсонпарварлаштириш режалари гуманитар туркумдаги фанларнинг, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий фанларнинг инсонпарварлик хусусиятларидан ҳам таълим-тарбия жараёнларида унумли ва самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш билан бирга, бу туркумга кирмаган фанлар, яъни физика, кимё, биология, математика, шунингдек, техника фанлари ва умуман талим тизимида ўтиладиган барча фанларнинг ҳам тарбиявий тамойилларига, инсоннинг маънавий-аҳлоқий руҳий жиҳатдан такомиллаштириш имкониятларига алоҳида аҳамият ва эътибор қаратишни, уларнинг инсонпарварлик хусусиятларини кенгроқ очиб, таҳлил этиб кўрсатиб беришни, талаба ёшларни ўқитиши орқали маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам тарбиялашни мақсад қилиб қўяди. Ўқув дастурларининг, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратишида, таълимнинг техник воситаларидан фойдаланишда, улар учун маҳсус ўқув дастурлари тайёрлашда таълимни гуманитарлаштиришнинг мана шу томонларига, яъни ёш мутахассисларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатдан баркамол шахс сифатида такомиллашувида ҳар бир фаннинг иштирокини энг юқори даражада таъминлашга катта эътибор берилиши зарур.

Шўролар давридаги эски таълим тизимининг асосий қусурларидан бири, унинг жамият реал ҳаётидаги, ўтмиш аждодлар томонидан бунёд этилган маданий меросдан, асл қадриятлардан, ижтимоий онг таракқиёти даражасидан ажралиб қолганлигидир. Бу борада ижтимоий сафсатабозлик ҳам таълим-тарбия ишларига катта маънавий заарар етказади: расмий доираларда тантанали равища эълон қилинган ва ифтихор деб таъкидланган нарсалар билан ҳақиқатан мавжуд бўлган нарсалар орасидаги катта зиддият борлиги аниқ-равshan қўзга ташланар эди.

Таълимни инсонпарварлаштириш тадбирлари талаба ўқувчиларнинг ўз ихтисосликлари бўйича билимлари орқали ҳам, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар орқали ва умуман маданий, маънавий-аҳлоқий меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштириш орқали шаклланган кўнишка ва

малакаларида самимилик, ҳақгўйлик, одамгарчилик, иймон-эътиқод каби соғ инсоний сифат ва фазилатларнинг устун бўлишини таъминлашга, бўлажак мутахассиснинг ўз касб-хунари бўйича фаолиятида эл-юртнинг сиҳат-саломатлиги, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ривожи тўғрисида, мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталиги, экологик жиҳатдан тозалиги, ободончилиги, Ватаннинг тақдири ва келажаги ҳақида ғамхўрлик қилишга ўрганиши ва ўзининг булар учун ҳам масъул эканлигини чуқур ҳис этишини тарбиялашга қаратилгандир.

Таълимни инсонпарварлаштириш ёки гуманитар таълимнинг бош тамойили шахснинг интелектуал, жисмоний ва маънавий-ахлоқий қобилиятларининг шаклланиши, тараққий этиши ва ўзини намоён қилиши учун муайян шароитини юзага келтиришни тақозо этади, табиий-илмий фанларга бўлган технологик муносабат ва тусиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради; фантехника ва ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғида фаолият кўрсатишидан қатъй назар ҳар бир мутахассиснинг маданиятидан, бадиий-эстетик, санъат ва гуманитар соҳалардан, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларидан, бошка кишиларнинг ва умуман жамиятнинг манфаатларидан ажралиб қолмаслик ва аксинча улардан мунтазам маънавий озиқ олиш, хабардор бўлиш масъулиятини ҳам оширади.

Ихтисослик фанлари ва илмий-техник билимлар билан гуманитар таълимнинг алоқаларини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия тизимларида улардан биргаликда самарали фойдаланиш вазифаларини, мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитда ҳаётнинг ўзи кун тартибига кўндаланг қилиб қўйди: республикага кўплаб янги типдаги кадрлар керак. Улар фақат ҳалқ хўжалиги талабларини қондириш учунгина эмас, балки Ўзбекистоннинг жамиятига қўшилиши билан боғлиқ масалаларни бажариш, унинг ҳалқаро маданий ва хўжалик алоқаларини ўстириш ва мутаҳкамлаш учун ҳам зарур. Таълим ва тарбияда миллатнинг маданий анъаналарига умумбашарий қадриятларга мурожаат этиш ҳам, шаклланган меъёрлар ва қарашларни қайта англашга бўлган ҳатти-ҳаракати ҳам ана шундандир. Эскирган мафкуравий қолиплар ва

кўрсатмалардан воз кечиш, эркин, ижодкор ва ташаббускор шахсни тарбиялаб етишириш, талабаўкувчилар онгини ижтимоий сафсатабозлик, миллий хурофотлардан халос этиш ёш авлод таълими ва тарбияси олдида турган асосий вазифалардандир.

Ҳозирги қун фан, маданият ва таълим соҳаларида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ислоҳотларнинг суръатлари тобора жадаллашмоқда. Бироқ ахборотлар асри талабларига мувоғиқ ўзгараётган ҳаётимиз эҳтиёжлари жамият олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун таълим ва тарбия тизимининг барча босқичларини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳ қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозирги қун бу борада қилинадиган ишларнинг биринчи, иккинчи босқичи якунланиб, учинчи босқич бўйича ишлар амалга оширила бошланди.

Шахснинг, инсоннинг маънавий, руҳий камолоти таъминланмаса, жамиятнинг моддий-техник тараққиёти бир томонлама бўлади ва кутилган натижани бермайди. Руҳий ибтидо ёшлар қалбини юксак маданият ва ахлоқий фазилатлар билан бойитишга, уларнинг умуман миллатнинг руҳий-маънавий ростланишига ёрдам бериши керак.

Маданият гуманитар таълим ва тарбиянинг муҳим қисмларидан бири сифатида талаба-ёшлар руҳий оламининг шаклланишида, ҳаётий позицияларнинг мустаҳкаланишида, уларнинг ижтимоий фаоллигининг ўсиши ва ихтисослик билимлари ҳамда умумназарий тайёргарлигининг ошишида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Инсоният томонидан тўпланган беҳисоб маданий бойликлардан баҳраманд бўлиш, уларни ўзлаштириш ёшларда гуманистик дунёқарашнинг ватанпарварлик, виждон, эътиқод, ор-номус, шаън, мардлик, жасорат, олийхимматлик, фидоийлик, инсонпарварлик каби қадриятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ёшларда бундай сифат ва фазилатларни тарбиялаш маориф ва олий таълим тизимида устивор аҳамиятга эга бўлиши керак. Зоро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, сиёсатда,

иқтисодда ва маънавият соҳасидаги ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан унинг жамият тизимида сифат жиҳатдан туб ўзгаришлар содир бўлди. Республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жамиятнинг тубдан янгиланиши, қайта қурилиши учун муҳим замин яратади, шу жумладан, маданий соҳаларда ҳам, таълим-тарбия тизимида ҳам кенг ислоҳотлар ўтказиш имкониятлари вужудга келди.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимнинг инсонпарварлик ва тарбиявий воситаларига, жаҳон таълим тизимининг ижобий тажрибалари ва ютуқларига диққат-эътибор кучайди.

Шунга кўра, айрим олиб борилган тадқиқотлар: Н.Э.Жумаеванинг<sup>5</sup> ҳамда О.Н.Ибодуллаеванинг<sup>6</sup> номзодлик диссертацияларида инсонпарварлик гоясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ва таълимни инсонпарвралаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлигини ифодалаб беришган.

Таълимни(гуманитарлаштириш) инсонпарвралаштириш бўйича муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Бироқ, бу ҳаракатлар муайян объектив сабабларга кўра тўсиқларга учраши ҳам табиийдир. Чунки, жамиятда пул-товар, мулкчилик муносабатларининг тубдан ўзгариши оммавнинг руҳий-психологик ҳолатида, унинг онги ва дунёқарашида жиддий ўзгариш ясади, айрим ҳолларда шахснинг маънавий аҳлоқий меъёрларининг бузилишига ва бунинг оқибатида инсонпарварлик тамойилларига тўғри келмайдиган омилларнинг содир бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда, ижтимоий-иқтисодий ўтиш шароитида, гуманитар турқумдаги фанлар кафедралари ишини таълимнинг кенг миқёсли, уйғун, инсонпарварлик вазифа ва мақсадларини бажаришга йўналтириш зарурати туғилмоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларидаги ва тибиий-

<sup>5</sup>Жумаева Н.Э. Умумий ўрта таълимни инсонпарвралаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлиги. 13.00.01.пед.ф.н.ил.дар.олиш учун ёз.дисс. 1626, Қарши, 2005.

<sup>6</sup> Ибодуллаева О.Н. Кичик ёшдаги ўқувчиларда инсонпарварлик гоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. 13.00.01.пед.ф.н. ил.дар.олиш учун ёз.дисс.НавоийДПИ, 2005.

илмий факультетлардаги ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг илмий-педагогик имкониятларини янада ошириш, уларни етакчи ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш, ўқув юртларининг замон талабларига жавоб берадиган янги типдаги ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва ахборот воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш навбатдаги муҳим вазифалардандир. Гуманитар соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, бу соҳа профессорўқитувчиларини қайта тайёрлаш ишларини изчил олиб бориш зарур. Бу вазифаларни амалга ошириш учун айрим олий ўқув юртлари қошида гуманитар соҳалар бўйича илмий ўқув марказларини ташкил этиш. Шунингдек, ўқув-услубий, илмий, таржима адабиётларини нашр қилишни йўлга қўйиш, таълим-тарбия муаммолари бўйича семинарлар, анжуманлар, учрашув ва давра сухбатлари, мулоқотлар ўтказиб туриш мумкин. Бу йўналишларда ҳозирги кунда анча ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу ҳали ҳозирги даврнинг тобора ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб бера олмайди.

### **5.3. Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг ташкилий-услубий асослари**

Миллий тарбиянинг назарияси, услугияти ва ўқувчи ёшлар бирлашмалари тизмини, маънавият билан шуғулланувчи мутасадди лавозим профессиограммаларни ишлаб чиқиш, ўқувчи ёшлар уюшмалари ва уларнинг тизими ва фаолияти мазмунининг шаклларини ишлаб чиқиш каби долзарб амалий вазифаларнинг ечимини топишни юклайди.

Баркамол авлодни вояга етказишда диний ақидапарстликнинг тарихий илдизлари, замонавий ҳолати ва унга қарши курашнинг назарий асосларига ҳам кўп боғлиқдир. Одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечётганидан огоҳ бўлиш лозимлиги, вазият - тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш ва бу орқали барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қариши ғоя билан курашишнинг фалсафий, тарихий асосларини яратишни, инсон хуқуqlари миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу эса фалсафа, тарих, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, социология ва бошқа фанларда

янги дунё қараш ва янги тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганиб, натижаларини ҳаётга тезроқ тадбиқ қилишни, миллий ўзликни англаш жарёнини таҳлил қилиш, ғоявий кураш стратегияси ва техникаси, усул ва шаклларини ишлаб чиқишни тақозо қиласи.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, «Узтелерадиокомпания» раиси саволларига жавоблари ва республикамизнинг бир гурӯҳ тарихчи олимлари, шунингдек журналистлар, матбуотчилар ва адабиётшунос олимлар билан бўлган сұхбатларида, Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида ёшларимиз онгидаги миллий ғоя ва мағкурани шакллантириш, уларнинг маънавиятини миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида юксалтириш, ўтган минг йилликлар мобайнида аждодларимиз яратган шонли тарихимиз ҳақидаги ҳақиқатларни қайта тиклаш ва унинг мисолида ёш авлодни миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғулари руҳида тарбиялаш каби ғоялар, вазифалар таълим тизимининг ҳам олдида турган долзарб вазифаларга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил август ойида бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларини юқори малакали ва эркин фикрловчи, маънавий жиҳатдан баркамол мутахассис кадрлар билан таъминлашга қаратилган тарихий муҳим ҳужжатлардир. Узлуксиз таълим тизими қайта қурилди: умумтаълим мактаблари, ўрта касб-хунар билим юртлари, олий таълим муассасалари ҳозирги замон талаблари ва мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи-назаридан қайта ташкил этилди. Кўплаб университетлар, янги типдаги коллеж ва лицейлар барпо қилинди. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича янги-янги соҳалар, мутахассисликлар, йўналишлар ташкил этилди. Узлуксиз таълим тизимига оид барча фанлар бўйича давлат таълим

стандартлари янгидан яратилди. Барча ўкув дастурлари, дарсликлар ва кўлланмалар давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб қайта тайёрланмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичлари бўйича педагогўқитувчиларнинг ихтисослик малакаларини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар кенг миқёсда ва изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатни демократик асосларда қайта қуриш ва жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни согломлаштириш – кўп қиррали жараёндир. Бунда таълимтарбия тизимларининг ўрни, аҳамияти, шубҳасиз, жуда катта. Ўзининг кундалик тирикчилик ташвишларидан ортмай қолган, миллий-тарихий қадриятларидан, урф-одатлари ва қадимий анъаналаридан деярли бегоналашган, тор ихтисослик доирасида фикр юритиш ва фаолият кўрсатишдан чиқа олмаган, эркин ва ижодий фикр юритишдан маҳрум этилган «совет кишиси»нинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш, қалбига, руҳига миллий ва умуминсоний қадриятлар нурини сингдириш, унинг бугунги тараққий этаётган маданий олам, эркин ва илгор фикрловчи инсонлар даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратишда таълимтарбия тизимлари олдида катта ва кенг миқёсли вазифалар турибди. Бу, аввало, янги давр талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Шу жиҳатдан қараганда, таълим-тарбия соҳасида назарда тутилаётган тадбирларнинг ғоявий-назарий асослари миллий мустақиллик ғояси билан чамбарчас боғлиқ.

### ***Маънавий-ахлоқий устувор вазифаларни амалга ошириши:***

- таълимни инсонпарварлаштиришни таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш, бевосита фанлар бўйича ишлаб чиқилган ишчи дастурларда таълимтарбия бирлигини таъминлаш;
- узвийлик ва узлуксизлик мезонларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилган янги намунавий ўкув дастурларининг янги туркумини таълим амалиётига жорий қилиш.

Маънавият-бу кишини, эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар), унинг ҳаётида такрорланавериши натижасида, кўникма ва

малака босқичларидан ўтиб руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган босқичдаги ижобий ижтимоий сифатлардир. Демак маънавият асосини билим ташкил қилар экан, билим турларига мос равишда маънавият турларини санаб чиқсак бўлади. Буларга диний маънавият, ахлоқ ва одоб маънавияти, дунёни илмий билиш маънавияти, техник маънавият, касбий маънавият ва бошқалар киради. Ахлоқ ва одоб маънавияти инсон ижтимоий моҳиятини энг устки қаватини яъни, қобигини ташкил қилгани учун, баъзилар маънавият деганда, кишининг ахлоқ ва одобга оид билимларини унинг ҳаёт тарзида акс этиши деб тушунишади. Бу маънавиятни тор маънода тушунишдир.

Биринчи Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қайд қилганидек: “Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ҳоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлостириб, кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода қилиш мумкин”!

Ҳақиқатан ҳам узлуксиз таълимни инсонпарварлаштириш жараёнида маънавий-маърифий ишларни тўғри белгилаш, ўқитувчи-талабалар онгига мустақил фикирлашни, турли мафкуравий ва маънаий таҳдидларга қарши курашиб туйғуларини сингдириш уларни келажакка тайёрлашда муҳим вазифадир. Ўз-ўзидан маълумки, халқ ва Ватаннинг келгуси истиқболи, тақдирни бугун мактабда таълим олаётган авлодга боғлик. Таълим-тарбиянинг мазмуни, савияси мамлакат иқтисодиёти, сиёсатининг оқибатини белгилайди. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган миллат, мамлакат маънавий - маърифий ислоҳотлар орқали маънавий етук авлодни вояга етказиш, улар учун замонавий шарт-шароитлар яратишни биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар деб қарайди. Ўтган қисқа даврдаёқ ҳар жихатдан баркамол, иймон - эътиқоди мустаҳкам, билимли, фидойи ватанпарвар кишилар Ватан истиқболининг порлоқлигига замин бўлиши тобора аён бўлди. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз

тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири” - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз . шундай экан, мустақиллигимизнинг истиқболи, мамлакатимизнинг эртаси, буюк келажак яратиш йўлидаги дастурий мақсадларнинг пировард натижаси комил авлодни вояга етказишга, таълим - тарбия тизимида жиддий янгиланишларни вужудга келтиришга боғлиқ. Демак, биз мактаб ва ўқув юртларида таълим - тарбия мазмунини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириб боришимиз, ўзгартиrimиз, ўқитувчилар савияси, педагогик маҳоратини тубдан яхшилашимиз орқали таълим- тарбия тизимини юксак даражага кўтаришимиз лозим бўлади. Ўқув дастурларидан тортиб, ўқув жараёнининг ички мазмунигача, ўқитувчиларимизнинг билим савияси, маҳоратидан тортиб, жамоатчилик ўртасидаги нуфузигача - барча-барчасида ислоҳ қилишга, янгича муносабат билдиришга эҳтиёж сезилиб туради. Президентимиз мактабнинг замона тараққиётидан орқада қолаётганлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас. Бинобарин, мактаб ислоҳотига жиддий ёндашмаслик, у тараққиётдан орқада қолавериши билан мушкулларимиз ортганидан ортиб бораверади. Бунинг устига, одамларимиз ҳам аввалги одамлар эмас. Дастлабки йилларда аксариятимизнинг дунёқарашимиз, маънавиятимизга бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари акс таъсир кўрсатди. Натижада хусусийликни шахсийликка айлантириш, шахсий манфаат йўлида кўпроқ меҳнат қилиш, пулни барча муаммоларни ҳал этишнинг ягона воситаси деб қаровчи кишилар тез кўзга ташланади. Бу ҳол кўпгина ўспирин ёшларни бозор муомаласига тортаётганлиги маълум. Айрим нуронийларнинг “бозор болаларимизни бузди”, деган гапларининг тагида жуда катта маъно бор. Бундан ташвишланмаслигимиз мумкин эмас. Мактаб ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш орқали фарзандларимизни билимга, касб-хунарга ўргатишимиз жамият келажаги учун қайғурган ҳар бир кишининг муҳим вазифасидир.

Айтиш жоизки, таълим тизимини ислоҳ қилиш давр талаби эди. Ислоҳ заминида келажаги буюк давлат яратиш мақсад - муддаоси бор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони, “Таълим тўғрисида” ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” улкан тарихий аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасида ўз дастури, концепцияси ва андозалари бўлади. Бу дастур ва концепциялар таълим тизимининг тўла ислоҳ қилиниши ва ўзига хос универсал модел яратиш ёки мукаммалаштириш, мавжуд тизимлардан фойдаланиб, ўз таълим соҳасини ривожлантириш стратегияларини назарда тутишини тушуниш мумкин.

Давлатимизда ишлаб чиқилган дастур, гарчи миллий бўлсада, у умумий ва чегараланмаган таълим тизими, стратегияси ва моделлари, андозалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги, чегараланмаган универсал тизим тарзидадир.

Чунки таълимни бутунлай ислоҳ қилишнинг зарурий шарт-шароитлари вужудга келади. Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари шакланди. Натижада фуқаролик жамиятини барпо қилиш омиллари яратилди. Айни пайтда тараққиётнинг ҳозирги тезкор суръати инсон шахси, онги, дунёқараши, қобилияти ва майларини тезда камол топтиришни тақазо этаётганлиги ўз- ўзидан аниқ. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш талабига мос малакали, етук маънавиятли, фидойи ва ватанпарвар мутахассис кадрлар тайёрлаш долзарб вазифага айланди. Бу вазифанинг муваққиятини таъминлаш учун маҳсус Миллий дастур яратиш кун тартибига қўйилди. Миллий дастур асосида таълимни тубдан ислоҳ қилиш учун бутун таълим-тарбия жараёнига истиқлол руҳи, Ватан туйғуси, миллат келажаги, жамият равнақи, комил инсонни вояга етказиш ғоялари сингдирилиб, ақлий-маънавий, ахлоқий-руҳий, жисмоний-ижтимоий баркамол авлоднинг ўсиб улғайишини таъминлашга қаратилган илмий-назарий, маърифий-моддий шарт-шароитларни рӯёбга

чиқариш кутилмоқда. Миллий дастур буюк келажак сари дадил қадам қўйган Ўзбекистонда янги авлодни тарбиялаш, одамларга муносиб фаровон турмуш шароитини яратишга йўналтирилган энг оқилона маънавий-ижтимоий, маърифий-мағкуравий муҳит барпо этиши табиийдир. Демак, кенг қамровли ва улуг мақсадли Миллий дастур ишлаб чиқиши орқали таълим-тарбия тизимлари, мазмуни, педагогик асосларини янгилаш имкониятлари кучаяди.

Шу жараёнда ҳар бир шахсда миллий маънавиятни, миллий онг, миллий шуур, миллий туйғуни баркамолликка қўтариш омиллари фаоллик жараёнига кўчади. Бу улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун жамиятимиз ўзининг реал имкониятларига эга. Аввало, озод ва мустақил Ватанда халқни фаровонликка етакловчи ва маълум маънода муносиб турмушни кафолатловчи шарт-шароитлар яратилди. Давлатимизда фидойи, ишchan, ташкилотчилик салоҳияти баланд малакали кучлар улгайди. Улар сиёмоси, фаолиятида миллий маънавиятнинг барқарор мағзи, яратувчан кучи мавжуд. Миллий маънавияти барқарор шаклланган буднай кишилар ўз халқи, миллати, ватани манфаатини ҳар қандай шароитда ҳимоя қиласди, ўз фаолиятида халқимизнинг миллий маънавиятини намойиш эта оладиган, миллатнинг салоҳиятини, Ватан қадри, шаъни, шухратини эллараро, давлатлараро кўрсата биладиган инсонлардир.

Таъбир жоиз бўлса, бундай кишиларда миллат тафаккурининг қаймоғи жамланган ва фаолиятида ривож топган бўлади. Шунинг учун ҳам ақлий, шуурий заковати етук, миллий маънавияти камол топган, Ватан ва миллат туйгуси қалбida жўш урган бундай шахслар бошқа маданиятларга рўбарў келганда ўзилигини йўқотмайди, ўзга маданиятлар таъсирига тушиб қолмайди.

Миллий дастурда қабул қилинган атамалардан, таълим тузилмаси тизимларида мавжуд бўлган структура ва терминлардан фойдаланиши зарур бўлган анъанавий усулдир. Аммо кадрлар тайёрлаш соҳасидаги миллий моделнинг тизимлари ва таркибий қисмлари турличадир. Факат Ўзбекистоннинг ўзига хос, яъни кадрлар тайёрлашнинг миллий модели таркиби - бу шахс (субъект), давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш деб конкретлаштирилиши миллий дастурнинг ягоналигидир. Миллий дастурда

умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимининг мажбурийлиги, академик лицей ёки қасб-хунар коллежларини танлашнинг ихтиёрийлиги ва уларда бепул, давлат ҳисобидан ўқитиш, билим бериш имкониятларининг яратилганлиги, дастурдаги умумийлик ва миллийлик, таълимнинг ижтимоий тараққиётда устувор деб эълон қилиниши, таълим демократияси, таълим олишнинг мажбурийлиги, истеъоддога берилаётган эътибор диққатга сазовор ҳисобланади.

Мазкур дастурнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” сарлавҳали бобида келажакда ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш ҳақида шундай сўзлар ўз ифодасини топган: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий хукуқларидан бири-билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, қасби бўйича меҳнат қилиш хукуқи рўёбга чиқарилади”.<sup>1</sup>

“Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар” бобида: “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиласидар”.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида (1997) ҳам ёш авлоднинг маънавий ва маданий тарбиясига алоҳида эътибор берилган.

Ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Тафаккур ва онгимизда мустақиллик ғоялари мустаҳкамланмоқда. Дунёни, ўзимизни ва ўзлигимизни англаш имконияти қўлга киритилди. Бу ёшлар тафаккурини мустақиллик тафаккури талабларига мос шакллантиromoқда.

Бизга бобокалонларимиздан, динимиз, ўзбекона турмуш тарзимиз мерос қолган. Ана шунинг учун маънавий қадриятларга эътибор бериш, ёшларнинг мақсади ва орзу-умидларига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки “Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Ёш авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдирад эканмиз, улар мутафаккирларимизнинг, давлат раҳбарларининг улуғ ишларини давом эттиришларини ният қиласр эканмиз, ёшларнинг маънавий уйгоқлигига аҳамият беришимиз лозим. Faflat уйқусидан уйғониб, ёрқин кўз билан келажакка назар ташлайдиган замон келади”.

Миллий дастурни амалга ошириш, турмушда қўллаш миллат тараққиёти, маънавияти ва маълумоти юксак билимли ёшларга боғлиқ. Акс ҳолда ёшларнинг манқуртлик ва фақат пулга сажда қилувчи арzon ишчи кучига айланиб қолиш хавфи туғилади. Миллатнинг истиқболи арzon-гаровга ўз кучини сотадиганлар эвазига эмас, аксинча, моддий ва маънавий меҳнати, салоҳияти юксак қадрланадиган кишиларр, ўз ҳаётини ижодий ва жамият тараққиётида ижобий роль ўйнайдиган меҳнат асосида қурган ёшларга боғлиқ. Келажагимизга умид ва ишонч катта. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши учун шарт-шароитлар мавжуд: буюк тарих ва бой маънавий меросимиз бор. Жаҳоншумул аҳамиятга молик маданиятнинг ворисларимиз; ватанимизнинг иқлими, табиати, ажойиб ер ости ва ер усти бойлигимиз беҳисоб; халқимиз меҳнаткаш, ғайратли ва бардошли; қўхна мамлакатимиз зўр интеллектуал салоҳиятга, бой ақлий меросга эга.<sup>1</sup> Бу маънавий неъматлар давлатимиз, мамлакатимизнинг тарихий илдизлари сифатида келажакда мўл-мўл маънавий ҳосил беришига шак-шубҳа йўқ. Буни ёшлар қадрлашлари, уни ривожлантириб, доимо бойитиб боришлари ўзларидан кейинги авлодга

қолдириш туйғуси баланд бўлиши, шундай миллий ғурур ва ифтихор уларни янги-янги ютуқларга; илм-фан сирларини эгаллашга даъват этади.

Янги жамиятнинг мақсад ва идеалларига биноан янги авлод дунёқараши шаклланмоқда. Янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, ўз навбатида, маънавий янгилangan, ривожланган ва шаклланган авлодлар руҳининг покланишини ҳам тақозо этмоқда.<sup>1</sup> Янги жамият аввал миллат орзусида, қалбида пишиб етилади. Сўнгра у объектив реалликка айланган, кенг жамоатчиликнинг ҳаёт ва тараққиёт тарзини ифодаловчи ғоя тарзида қарор топди. Худди шу жамият етиштирган кишилар, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига зарурат сезади. Бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирининг тараққиётини белгиловчи ғоявий омиллар муштараклиги жамият ва мамлакатнинг миллий манфаатлари ва истиқболини кафолатловчи кучлардир. Ана шу маънода республикамида қарор топаётган фуқаролик жамиятини ва бу жамиятда истиқомат қилувчи ёшларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш ва инсонийлаштириш мақсадида ниҳоятда кўп ва хўп ижтимоий-тарихий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон эркинлиги ва озодлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илғор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди. Давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганиш юксак малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил этилди. Ватанимизнинг Қуролли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди; таълим тизимимиздаги ислоҳатлар замонавий лицей ва колледжлар таъсис қилинишига олиб келди; ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида “Улугбек”, “Умид”, “Устоз” ёки кейинчалик “Истеъод” жамғармалари тузилди.

Миллий дастур мамлакатдаги таълим тизимининг ҳамма томонларини қамраб олганлиги, ҳозирги замон талаблари кўзда тутилганлиги, бозор

муносабатларини ҳисобга олиб маркетинг, менежмент каби мутахассисликлар тайёрлашга аҳамият берилганлиги, янги дастурнинг ташаббускори шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги ва уни Олий мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қўллаб- қувватлаганлиги билан алоҳидалик касб этади.

Вилоятлар марказларида маънавият маркази мажмуи, вилоят халқ хунармандчилиги, амалий санъат, ишлаб чиқариш, тижорат марказлари ва бошқа инсонлар хордик чиқарадиган жойлар курилди. Барча шаҳар ва туманларда маънавият ва маърифат бўлимлари ташкил бўлди. Уларга асосан ўқитувчи, журналист, ижодкор ва сиёsatшунос малакали ходимлар бошлиқ этиб тайинланди.

Вилоятлар оммавий ахборот воситалари ҳам маънавият ва маърифатнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида муентазам мақола ва кўрсатувлар уюштирилар.

Республикамиз Президентининг китоблари ва нутқларида жойларда маънавий ва маърифий ишларни тубдан яхшилашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ана шу дастурий йўналишлар бўйича изчил ва қатъият билан иш олиб бориш - энг муҳим вазифамиздир.

Давлатимиз истиқболини яратувчи маънавий етук, маърифатли, руҳияти баланд, жисмоний соғлом, вужудида Ватан туйғуси, истиқлол ғояларига садоқат руҳи жўш урган ёш авлодни вояга етказиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдалана билишимиз даркор. Зеро одамлар маънавиятли, маърифатли бўлса, жамият фаровон, давлатимиз қудратли бўлади. Барча соҳаларда адолат, инсоф, диёнат, қонунийлик маданияти, сўз ва иш бирлиги ўсиб улғаяди.

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишдан асосий мақсади – инсондир. Жамият тараққиёти эса нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилгани билан ҳам ўлчанади.

2010 йил мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан қабул қилинган дастурни амалга оширишда соғлиқни

сақлаш, таълим, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ва маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиат ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ масалалар муҳим устувор аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан инсон камолотига, унинг маънавий ҳамда моддий талаб-эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилган Инсон тараққиёти концепциясига батамом мос ва мувофиқдир.

Бугунги кунда Инсон тараққиёти концепцияси истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган ҳаётий қоида асосида ислоҳот жараёнларни амалга ошираётган мамлакатимизда барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказидаги устувор масалага айланмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганлигини қайд этиш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг БМТнинг Мингийиллик ривожланиш мақсадлари амалга оширилишининг бориши ҳақидаги маъruzаларини эшитиб, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мамлакатни модернизация қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар йўли юқори даражада самарали эканини таъкидлади. Чиндан ҳам, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги барча ислоҳотларимиз пировард натижада одамлар фаровонлигини муттасил ошириб боришга, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларни, соф экологик муҳитни яратишга қаратилгандир.

Кейинги 10 йил мобайнида давлатимиз томонидан юртимизда амалга оширилган барча кенг миқёсли ишлар БМТнинг Мингийиллик ривожланиш мақсадлари кенг қўламда бажарилишини таъминлади.

Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимиға ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва

тизимли оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган маҳсус чоратадбирларни кўриш имконини берди.

Мамлакатимизда умумий ва ўрта маҳсус таълим давлат томонидан кафолатланади. 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан етакчи давлатлар қаторида бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда юртимизда тиббий хизмат тизими амалда тўлиқ модернизация қилинди, аҳолига бепул юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган замонавий касалхоналар ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши ислоҳотларнинг энг муҳим ва амалий натижаси бўлди.

Жамоатчилик назорати жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини таъминлашнинг, ўтказилаётган чуқур демократик ислоҳотлар, мамлакатни сиёсий-хуқуқий ривожлантириш мақсадлари ва устувор йўналишлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишининг, шунингдек, халқнинг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш ва фаровонлигини оширишнинг, иктисолиётнинг рақобатдошлигини, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартига айланмоқда.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2010 йил юртимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди.

“Баркамол авлод йили” давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг барча гурӯҳларини қамраб олади. Жумладан:

- соғлом фарзанднинг дунёга келиши учун “Соғлом она – соғлом бола” фояси асосида бўлажак оналар саломатлиги бўйича ғамхўрликни янада кучайтириш;
- мактабгача таълим тизими асосини ташкил этган боғча ва яслиларда ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш;
- умумтаълим мактабларида тарбия ва таҳсил олаётган ёшларимизнинг янада камол топишини таъминлаш, аниқ бир касбга бўлган қизиқишлирини шакллантириш;
- ўрта маҳсус таълим тизими, яъни касб-хунар коллежларида касб маҳоратини ўрганиб, тарбия топаётган, академик лицейларда ўз билимларини янада чукурлаштириб, таълим олаётган ёшларни замонавий касб-хунар соҳалари ва олий таълим муассасаларига тайёрлаш;
- олий таълим муассасида таҳсил олаётган ёшларни ўз йўналиши, мутахассислиги бўйича етук кадр сифатида катта ҳаётга тайёрлаш.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қандай кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи қучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига**

**олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч хато бўлмайди»<sup>7</sup>.**

Бундан кўринадики, эркин демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби пировард мақсадларга таълим соҳасини тубдан ўзгартирмасдан ва замонавий асосда қайта қурмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Таълимнинг бошқа босқичлари қатори олий таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартириш мустақиллик давридаги таълим ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 август) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқаро таълим стандартларини мамлакатимиз олий таълим тизимиغا жорий қилиш, юксак малакали замонавий кадрлар тайёрлашда миллий тажриба ва анъаналаримиз билан бирга илғор жаҳон тажрибасидан ҳам кенг фойдаланиш борасида янги уфқ ва имкониятлар очди.

Айнан ана шу хужжатлар асосида олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар билан таъминлаш, янгича фикрлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб олинди.

Олий таълимда бакалавриат ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига мос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: **«Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон**

<sup>7</sup> Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустахкам пойdevордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

**фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».**


Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Президентимиз ташаббуси билан юзага келди. Бундай Дастур дунёда АҚШдан сўнг фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги унинг афзалликларини тўла эътироф этиб, бизнинг бу соҳадаги тажрибаларимизни ўрганмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий жиҳатдан янги меъёрий-хуқуқий пойдевори яратилди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни саралаш, аттестациядан ўтказиш, бошқарув ходимлари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча тақрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда хар йили таълим учун сафланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда, жаҳон моливий-иқтисодий инқирози шароитида “Баркамол авлод йили” давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағлари йўналтирилди. Жаҳонда ҳеч бир давлат ёш авлод камолоти учун бунчалик катта эътибор ва маблағ ажратмаган.

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қаторида таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик хусусияти, таълим узлуксизлиги, умумий, ўрга ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг

мажбурийлиги, ўрта махсус, касб таълимининг, академик лицей ёки касб-хунар коллежи йўналишининг танлаш эркинлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра, соҳани тубдан ислоҳ этиш ҳамда замон талаблари асосида шакллантиришда академик лицей ва касб-хунар коллежлари тармоғининг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди

Президентимиз томонидан таълим-тарбия жараёнига ёндашувда ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ёш мутахассис кадрларнинг кенг дунёқарашиб, замонавий билим, кўникма ва малака билан бир қаторда жисмонан соғлом бўлиши ҳам энг муҳим талаблардан бири сифатида кун тартибига кўйилмоқда. Бунинг учун эса ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини мунтазам ва тизимли тарзда йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этиши табиий, албатта.

Шунга кўра, шахсан Президентимизнинг ташаббусига кўра, Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида З бўғинли оммавий спорт мусобақалари тизими ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талabalari ўртасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш таълим-тарбия тизимига киритилди.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, ўқувчи ва талаба ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, норматив хужжатларда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (2002 йил 24 октябрь) Фармони ва шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланадиган спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди.

Жумладан, “2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82 фоизи) қишлоқ жойлардадир. Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гурӯҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси муентазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади”<sup>8</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълимни инсонпарварлаштиришнинг моҳияти нимада?
2. Таълимни инсонпарварлаштиришнинг фалсафий жиҳатларини келтириб беринг.
3. Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг ташкилий-услубий асосларини кўрсатинг?
4. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермуҳамедова Н.А. Таълим фалсафаси.-Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 5 май // Халқ сўзи, 2010 йил 6 май.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1 - амалий машғулот:**

#### **Таълим фалсафасининг вужудга келиши**

1. Таълим фалсафасининг вужудга келиши, предмети ва вазифалари.
2. Миллий таълим тизимлари. Дунё таълим маконининг шаклланиш босқичлари
3. Тавълимни ташкил этишда халқаро ташкилотлар тажрибасининг устивор йўналишлари.

### **2 - амалий машғулот:**

#### **Таълим соҳасидаги ислоҳотлар**

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизимидағи ўзгаришлар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг амалий аҳамияти.

### **3 - амалий машғулот:**

#### **Олий маълумотли ёш мутахассис образи ва олий мактабнинг таълим жараёнидаги роли.**

1. Мустақиллик йилларида олий мактаб таълим тизимидағи ўзгаришлар.
2. Олий маълумотли ёш мутахассиснинг бугунги қиёфаси.
3. Таълим тизимида олий мактабнинг ўрни

### **4 - амалий машғулот:**

#### **Таълим жараёнидаги қадриятлар тизими.**

1. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Қадриятларнинг таълим жараёнидаги ўрни

### **5 - амалий машғулот:**

#### **Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашуви.**

1. Ўзбекистонда таълим сиёсатининг гуманистик мазмуни.
2. “Таълимни инсонпарварлаштириш” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
3. Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг ташкилий-услубий асослари.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Илфор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўкувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилди, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўкувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шаклларининг вужудга келиши ўкув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидағи таълимга ўтишни тақозо этади.

“Case-study”нинг асосий мақсади – турли вазиятли, шу жумладан, педагогик вазиятли масалаларни ҳал қилиш мобайнида ўкувчиларнинг концептуал схема ва моделларидан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек, муаммоларни гурухий таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқариш орқали билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир<sup>9</sup>.

Ҳозирги даврда ўкув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қиласи, бунинг учун эса ирова, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қўйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;

---

<sup>9</sup> А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Фан ва технологиялар, 2014 й.

- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш<sup>10</sup>.

Кейслар методи (*Case method*) ёки кейс-стади (*case-study*), аниқ вазиятлар анализи (таҳлили) методи бўлиб, реал ижтимоий, иқтисодий, бизнес вазиятлар таърифидан фойдаланувчи таълим техникиси хисобланади. Таълим олувчилардан берилган вазиятни таҳлил қилиш, муаммолар моҳиятини англаш, ушбу муаммоларнинг муқобил ечимларини излаш ва улар орасидан энг афзалини танлаш талаб этилади. Кейслар реал далилли материалларга ёки реал вазиятга максимал равишда яқинлаштирилган маълумотларга асосланади. Ушбу метод дастлаб 1924 йилда Гарвард бизнес мактаби (*Harvard Business School*)да қўлланган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менежерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батавсил хисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларига у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият таърифи ушбу вазият таҳлил қилиниши ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил этиш воситасида унинг ечими топилиши учун бериларди. Кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилади. Кун сайин ушбу технологиянинг тарафдорлари ортиб бормоқда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Фарбий Европа мамлакатларида оммалашади. Европанинг етакчи бизнес мактаблари INSEAD, LBS, HEC, LSE, ESADE ва бошқалар кейс-стади таълим технологияси воситасида дарс берибина қолмай ушбу кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кейс-стади таълим технологиясига қизиқиши ортиб боради – олийгоҳлар қошида турли тўгараклар (Кейс клублар) ташкил этила бошлайди. Бундан ташқари турли ташкилотлар кейс-стади юзасидан беллашувлар ва бошқа тадбирларни уюштира бошлайдилар (масалан, *Changellenge>>, FutureToday*). 1909 йилдан 1919 йилгача бўлган даврида кейс методида асосида таълим қуидаги схема асосида ташкил этилган: амалиётчи талabalарга аниқ вазиятни баён этиш, ундан сўнг ушбу вазият анализини бериш ва ниҳоят муаммо ечимини аниқлаш ва исботлаш кўрсатмаси берилар эди. Энг биринчи кейслар тўплами 1921 йилда (Dr. Copeland, Dean Donhman томонидан) чоп этилган эди.

2000 йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб чет эл олий ўқув юртларида табиий фанлар ва техник фанларни ўқитишида кейс-стади технологиясидан фойдаланиш тенденцияси кузатилиб, ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи усулларидан бўлиб қолди., энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти қуидагича изоҳланиши

<sup>10</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989.

мумкин: ушбу технология воситасида ўқувчи (талаба)га реал ҳаётий вазиятни англаш таклиф этилади, айни пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди.

Кейс-стади таълим технологиясининг Россия таълим тизимиға кириб келиши XX асрнинг 70-80 йиллариға тўғри келсада, амалда ушбу технологиянинг таълим тизими шароитида оммалашуви XXI асрнинг бошларига тўғри келади. Россияда ушбу методни ишлаб чиқиш ва асослашга Г.А. Брянский, Ю.Ю. Екатеринославский, О.В. Козлова, Ю.Д.Красовский, В.Я. Платов, Д.А. Поспелов, О.А. Овсянников, В.С. Рапопорт ва бошқалар ҳисса қўшдилар. Айни пайтда Ўзбекистон таълим тизимиға ҳам кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълим технологилари қаторида кириб келган ва бугунги кунда энг самарадор методлардан бири ҳисобланади.

Кейс-стади таълим технологияси – бу таълимдаги методик янгилик бўлибгина қолмай, балки унинг таълим тизимида кенг ишлатилиши замонавий таълим тизимидағи вазиятга ҳам боғлиқ. Айтиш мумкинки, ушбу технология асосан янги билим, кўникмаларни ўзлатиришга эмас, ўқитувчи ва талабаларнинг умумий интеллекуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида вазиятларнинг анализи (тахлили) талабаларнинг профессионализация жараёнига кучли таъсир ўтказа олиши, уларнинг касбий жихатдан “улғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейслар методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ноанъянавий тарзда фикрлаш имкониятини беради. Бунга албатта, таълим тизимининг демократлашуви ва модернизациялашуви, педагогик креативликка очилган кенг йўл, уларда прогрессив тафаккур услубини ҳамда педагогик этика, педагогик фаолият мотивациясини шакллантириши ҳам мисол бўла олади<sup>11</sup>.

Кейс-стади таълим технологияси таркибидаги кейсдаги ҳаракатлар тавсиф кўринишида берилиши мумкин, бунда талабадан ушбу тавсифни англаш, яъни тавсифланган вазиятнинг натижалари, эффективлиги юзасидан мушоҳада юритиши талаб этилади. Акс ҳолда улар муаммонинг ечимлари сифатида таклиф этилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам амалий ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш таълим олувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш воситаси сифатида хизмат қиласиди.

<sup>11</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989.

В.Я. Платов кейс-стади технологиясининг қуидаги афзал ва бошқа таълим технологияларидан ажралиб турувчи жихатларини белгилайди:

1. У ёки бу ижтимоий-иктисодий тизим моделининг мавжудлиги ҳамда ушбу модел ҳолатининг муайян вақт бирлиги ичиде таълил этилиши;
2. Муаммо ечимини аниқлашга жамоавий тарзда эришиш;
3. Муаммонинг ечимида турли альтернативаларнинг мавжудлиги. Ягона ечимнинг мантиқан мавжуд эмаслиги;
4. Муаммо ечимини излашда яхлит мақсад;
5. Фаолиятни баҳолашнинг гурухий тизимининг мавжудлиги.

Ушуб ўзига хосликлар ва бошқа омиллар таъсирида кейс-стади таълим технологияси таълим тизими шароитида кенг тарқалмоқда. Аммо ушбу методнинг таълим тизмида самарали қўлланишида бир қатор мураккабликлар ҳам кузатилади. Энг аввало улар педагог кадрларнинг тегишли методнинг методологик асосига юзаки ёндашуви натижасида вужудга келади. Кўпинча, кейс-стади таълим технологияси остида таълим тизимига “соҳта” вазиятлар, бошқача айтганда “ҳаёт” вазиятларнинг кириб келиши кузатилади, таълимий мунозара эса “ҳаёт ҳақидаги сұхбат”га айланади. Аммо айни пайтда кейс-стади таълим технологияси ўқитувчининг касбий компетентлигини ошириш воситаси бўлиб, таълимнинг тарбиявий, таълимий ва тадқиқотчилик функцияларини бирлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Ушбу методнинг самарадорлигини оширувчи яна бир омиллардан бири унинг бошқа таълим методлари билан осон бирикишидадир.

Кейс-стади таълим тизимининг категориал аппаратини шакллантириш ундан фойдаланишининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради ҳамда таълим жараёнида методнинг технологизациясига йўл очади. Кейс-стади таълим технологиясининг асосий тушунчалари қаторига “вазият” ва “анализ”, бу икки тушунчанинг уйғунлашувидан келиб чиқкан “вазият анализи” киради. Фалсафи нуқтаи назардан “вазият” атамаси ўз ичига бир қатор контекстларни бирлаштиради. Шунинг учун, ушбу атама юқори даражадаги барқарорсизлик билан тавсифланувчи ва ўз таркибида бир қатор зиддиятларга эга бўлган муайян ҳолат сифатида изоҳланиши мумкин. Вазият аксария ҳолларда ўзгариш мойиллигига эга бўлиб, унинг ўзгариши ушбу вазиятда иштирок этувчи инсонларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Вазият инсонлар таъсирига нисбатан очиқ бўлиб, инсонларнинг хатти-харакатлари эса бу вазиятда ўз мақсадларига эришишлари ва қизиқишиларини қондиришиларига боғлиқ бўлади. Вазиятлар шундай ижитмоий тизимларда “пайдо бўлади” ки, уларда хулқ-атворнинг қаттиқ детерминацияси кузатилмайди, ижтимоий соҳада кўплаб ижтимоий қучларнинг ўртасида ўзаро таъсир, рақобат ва кураш мавжуд бўлади. Шу туфайли вазиятлар анализига асосланган ҳар қандай метод каби кейс-стади таълим технологияси плюрализм, ўз-ўзини англаш ва жамоавийлик, айни пайтда мустақилликни тақозо этади.

Кейс-стади таълим технологиясининг яна бир баъзаний категорияси бу “анализ”дир. Анализ категорияси объектни ҳаёлан бўлакларга бўлиш ёки илмий тадқиқ этиш сифатида тушунилиши мумкин. Анализнинг турли класификациялари мавжуд бўлиб оммавий анализ таснифини қуидагича

белгилаймиз: тизимли анализ, корреляцион анализ, факторли анализ, статистик анализ ва бошқалар. Умуман олганда айтиш мумкинки, анализнинг ушбу барча турлари кейс-тсади технологияси доирасида қўлланилиши мумкин бўлиб, бу ҳолатнинг технологиянинг имкониятларини янада кенгайтиради. Кейс-тсади вазиятни англаш, тафаккур қилиш жараёнида амалга ошиши мумкин бўлган бир қатор аналитик фаолият турлари иштирок этиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ўқитувчидан юқори даражадаги методологик маданиятни талаб этади.

Қўйидаги жадвалда кейс-тсади технологиясида фойдаланиш мумкин бўлган анализ турларининг имкониятлари берилган

<b>№</b>	<b>Аналитик фаолият турлари</b>	<b>Уларнинг характеристикаси</b>	<b>Унинг гурухлари</b>
1.	Муаммоли анализ	Муаммоларни ажратиш; Муаммолар майдони ва уларнинг квалификациясини шакллантириш.	1) Вазиятнинг муаммоли мазмунини анализ қилиш; 2) Вазиятнинг муаммоли шартларини анализ қилиш; 3) Вазиятнинг муаммоли оқибатларини анализ қилиш.
2.	Тизимли анализ	Объектни тизими ёндашув позициясидан ўз структураси ва функцияларига эга тизим сифатида кўриб чиқиш	1) Дескрипт анализ: мавжуд структура асосида функцияларни шакллантириш; 2) Конструктив анализ: мавжуд функциялар асосида структура шакллантирилади.
3.	Праксеологик анализ	Фаолиятли жараёнларни уларни оптималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш	Фаолиятни оптимизациялаш усусларини анализ қилиш; Фаолиятни моделлаштириш ва алгоритмлаштириш
4.	Прогностик анализ	Вазиятнинг кейинги ривожига нисбатан фаразлар келтириш	Норматив прогнозик анализ; Изловчи прогнозик анализ

Кейс-стади технологияси моҳиятан қуидаги дидактик тамойилларнинг кетма-кетлигига асосланади:

1. Ҳар бир талабага индивидуал ёндашув, унинг эҳтиёжларини ва таълимий услубини инобатга олиш. Бу тамойил таълим жараёнини ташкил этмас аввал талабалар ҳақида максимал ахборотни олишни назарда тутади;
2. Таълимда максимал даражада эркинлик бериш (ўқитувчиларни танлаш имконияти, фанларни танлаш имконияти, топшириқлар ва уларни ечиш услубларини эркин танлаш имкониятининг мавжудлиги);
3. Талабаларни топшириқларни ечишда зарур бўлган кўргазмали материаллар билан етарли миқдорда таъминлаш (илмий мақолалар, видео ва аудио касеталар, у ёки маҳсулотлар);
4. Асосий муаммолар атрофида жисплаштирилган назарий материални рационал узатиш;
5. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаол ҳамкорлик муносабатлари. Талаба исталган вақтда ўқитувчига савол билан мурожаат қилиши мумкин;

Талаба шахсининг кучли жиҳатларини ривожлантиришга урғу бериш.

“Case-study” услуби – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга кўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Услуб талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади.<sup>12</sup> Ушбу услугуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар. Ўқитишининг интерфаол услубаридан бўлган “Case-study” услугидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” услуби ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади.

### 1-кейс

Таълим фалсафасининг моҳиятини очиб беринг.

<sup>12</sup> А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014 й.

## **2-кейс**

- 1.** Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичлари.
- 2.** Кадрлар тайёрлаш милдлий дастурининг мазмуни. Кадрлар тайёрлаш
- 3.** Миллий дастурининг Болония декларацияси билан уйғуналиги ва фарқли жиҳатлари.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Ўзбекистон ва шарқ мамлакатларида таълим тизимига инновацион ёндашув
2. Италияда таълим тизими ва гуманитар таълимнинг устивор йўналишлари
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракат стратегиясида таълим тизими ислоҳотларнинг зарурати ва аҳамияти ҳақида.
4. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари
5. Таълим инновациялари ва инновацион таълим
6. Кореяда таълим тизимининг ташкил этилиши
7. Япония таълим тизими инновациялари

8. Франция таълим тизими инновациялари
9. Нидерландия таълим тизими инновациялари
10. Буюк Британияда фалсафа фанининг равнақи
11. АҚШда фалсафани ўқитишнинг устивор йўналишлари
12. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон илм фани ва маданияти ривожидаги ўрни
13. ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистонда болалар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг таълимига кумаклашиш борасида олиб бораётган фаолияти
14. Ўзбекистонда таълим тизими истиқболлари
15. Ёшлар таълим тарбиясига ота-оналар мас'улиятини оширишнинг фалсафий жиҳатлари
16. Миллий қадриятларнинг таълим тизимидағи ўрни

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>АГНОСТИЦИЗМ</b>	фалсафий таълимот бўлиб моддий системалар, табиат ва жамият қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билимни воқеаликка мувофиқлигини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. А. антик скептицизм ва ўрта аср номинализмидан келиб чиқкан бўлиб, XIX аср ўрталарида инглиз табиатшуноси Гексли томонидан мuloқotga киритилган.	Agnosticism is the philosophical view that the existence of God or the supernatural are unknown and unknowable. According to the philosopher William L. Rowe, "agnosticism is the view that human reason is incapable of providing sufficient rational grounds to justify either the belief that God exists or the belief that God does not exist". Agnosticism is a doctrine or set of tenets rather than a religion.

<b>ФАН</b>	<p>дунё ҳақидаги объектив билимлар системаси: ижтимоий оңг шаклларидан бири. Ф. табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишдан то уларни тадбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. Киши организми, атроф-муҳит, бепоён олам сирлари ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан кишилик жамиятининг равнақи учун фойдаланиш илм-фаннынг бевосита мақсадидир.</p>	<p>Science is a systematic enterprise that builds and organizes knowledge in the form of testable explanations and predictions about the universe. Contemporary science is typically subdivided into the natural sciences, which study the material universe; the social sciences, which study people and societies; and the formal sciences, which study logic and mathematics. The formal sciences are often excluded as they do not depend on empirical observations. Disciplines which use science, like engineering and medicine, may also be considered to be applied sciences.</p>
<b>Герменевтика</b>	фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.	philosophy, history, culture, and other individuals to understand art.
<b>Глобаллашув</b>	ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.	The process of formation of monolithic structures in various sectors of social life around the world.
<b>Глобалистика</b>	глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.	the effects of globalization and scientific and philosophical research aimed at understanding the nature of science.
<b>Гносеология</b>	билиш назарияси.	Learning Theory.
<b>Дедукция</b>	тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хуносалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.	The method of research or method, described in this summary of some of the rules, axioms, rules, laws, and in an evolutionary way.
<b>Детерминизм</b>	барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.	All events and incidents and consequential link on the legality of philosophical doctrine.
<b>Диалектика</b>	– ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот	changes in development, about the philosophical doctrine
<b>Аффирматив мулоҳаза</b>	Аффирматив ҳукм (лот. affirmo - тасдиқлайман) – тасдиқловчи ҳукмлар Умумий тасдиқ (Ҳамма S-P), жузъий тасдиқ (Баъзи S-P ), бу ҳукм баъзида аффирматик ҳукм деб ҳам юритилади).	“affirmative proposition” - In categorical logic, a proposition that asserts that one class is included (i.e., contained) in another, either totally or partially. A proposition that affirms class membership. If the claim is one of totality, the proposition is universal (All S are P). If the claim is one of partiality, the proposition is particular

		(Some S are P).
<b>Аффирмо</b>	лот. <i>affermo</i> – тасдиқлайман. Формал мантиқда А ва I муроҳазалар аффирматив ҳисобланади	“affirmo” - Latin for I affirm. In categorical logic, the letter names A and I come from the first two vowels of the word affirmo. The A proposition is universal affirmative; the I proposition is particular affirmative.
<b>А муроҳаза</b>	А – (лот. <i>affirmo</i> ) – «тасдиқлайман» сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, формал мантиқда умумий тасдиқ ҳукмни ифодаловчи символ.	A proposition In categorical logic, a universal affirmative standard-form categorical proposition: All S are P.
<b>Аргумент</b>	(лот. <i>argumentum</i> – исбот асоси) – далилланиши (исботланиши) талаб қилинган тезис (мулоҳаза, назария)ни асослаш учун келтириладиган бир ёки ундан ортиқ ҳукм.	“argument” - Any group of (two or more) propositions of which one, the conclusion, is claimed (by the arguer) to follow from the other or others, the premise(s).
<b>Аргументация</b>	(лот. <i>argumentatio</i> – далил, аргумент келтириш) илгари сурйлган фикрга нисбатан бошқа томон (аудитория, якка шахс ва б.)нинг ижобий муносабатини (маъқуллаши, қабул қилиши) шакллантириш мақсадида далиллар, аргументларни келтириш.	“argumentation”- The act, process, practice, or institution of arguing, or producing an argument.
<b>Бинар муносабат</b>	Икки томонлама муносабат	binary (dyadic) relation A relation that holds (obtains) between two individuals, i.e., a two-place relation.
<b>Қатъий силлогизм</b>	Силлогизм – (грек. <i>sullogismos</i> – ҳисоблаб чиқармоқ) – хулоса чиқаришнинг дедуктив усули бўлиб, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи – янги қатъий мулоҳаза зарурый тарзда келиб чиқади.	categorical syllogism A syllogism consisting of three categorical propositions that together contain exactly three terms, each of which occurs in exactly two of the constituent propositions.
<b>Синф</b>	Синф – бир ёки бир нечта умумий характерловчи белгиларга эга бўлган обьектлар тўплами.	class A collection (aggregate) of objects that have some specified characteristic in common, the characteristic being known as the class-defining characteristic.
<b>Хулоса</b>	бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқарувчи тафаккур шакли.	conclusion In an argument, the proposition that is affirmed on the basis of the other propositions of the argument (the premises). That which is inferred from the premises of a given argument.
<b>Контрап</b>	Контрап муносабат – (лот. <i>contrarius</i> - қарама-қарши) мантиқда умумий тасдиқ (А) ва умумий инкор (Е) ҳукмлар ўртасидаги қарама-қаршилик муносабати.	contraries Two propositions are contraries if and only if they stand in the logical relation of contrariety to one another. In categorical logic, A and ЕвЂќ propositions are contraries on the traditional (Aristotelian) interpretation but not on the modern (Boolean) interpretation.
<b>Конверсия</b>	Алмаштириш (лот.– <i>conversio</i> - алмаштириш) – бевосита хулоса чиқариш усувларидан бири бўлиб,	conversion In categorical logic, an immediate inference that proceeds by interchanging the subject and predicate terms of the proposition. The initial

	унда хулоса берилган муроҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади	proposition is known as the convertend; the resulting proposition is known as the converse.
<b>Дефиниция белгиси</b>	(лот. definitio - таъриф) – тушунчанинг мазмунини очиб берувчи мантиқий амалнинг символик белгиси.	definition symbol (“=df”) An abbreviation for “equals (means) by definition.”
<b>Хато</b>	Хато – 1) чин деб қабул қилинган ёлғон фикр; 2) мантиқан хато фикр, яъни фикр юритиш жараёнида мантиқ қонун, қоидаларининг бузилиши.	fallacy An argument (or argument form) that appears to be correct but is not.
<b>Импликация</b>	ИМПЛИКАЦИЯ (лот. implico – узвий боғлайман) – мантиқда икки оддий ҳукмнинг боғланиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб фикр. У “Агар, ... у ҳолда...” боғловчилари билан ифодаланади. Символик белгиси: $A \rightarrow B$ .	implication Let X and Y be propositional forms. The following diagram displays the difference between material implication and logical implication
<b>I муроҳаза</b>	миқдор жиҳатдан жузъий, сифат жиҳатидан тасдиқ ҳукм. Унинг формуласи: “Баъзи S – P дир”.	I proposition In categorical logic, a particular affirmative standard-form categorical proposition: Some S are P.
<b>Логика</b>	Логика –(грек. logos- сўз, тушунча, фикр, ақл) тўғри тафакурлашнинг умумий қонунлари ва шакллари тўғрисидаги таълимот	logic From the Greek word “logos,” which could mean any of the following, depending on the context: statement, principle, law, reason, proportion, speech, thought, word, meaning, or explanation.
<b>Кичик асос</b>	Қатъий силлогизмда кичик терминни ўз ичига олган асос.	minor premise In categorical logic, the premise that contains the minor term.
<b>Кичик термин</b>	Кичик термин – силлогизм хуносасининг субъекти	minor term In categorical logic, the term that occurs as the subject of the conclusion.
<b>Мнемотик терминлар</b>	“Barbara,” “Celarent,” and “Ferison” каби қатъий силлогизмнинг модусларини ифодаловчи терминлар	mnemonic terms Names—such as “Barbara,” “Celarent,” and “Ferison”—that medieval logicians introduced for the valid syllogisms.
<b>modus ponens</b>	катта асоси шартли ҳукм, кичик асоси оддий қатъий ҳукм бўлган силлогизмнинг тасдиқловчи модуси. Формуласи: $[(p \rightarrow q) \wedge p] \rightarrow q$	modus ponens (MP) In propositional logic, a rule of inference (i.e., an elementary valid argument form) in which the first premise is a conditional, the second premise the antecedent of that conditional, and the conclusion the consequent of that conditional. Formally, $p \supset q; p; \therefore q$
<b>modus tollens</b>	катта асоси шартли ҳукм, кичик асоси оддий қатъий ҳукм бўлган силлогизмнинг инкор этувчи модуси. Формуласи: $[(p \rightarrow q) \wedge \neg q] \rightarrow \neg p$	modus tollens (MT) In propositional logic, a rule of inference (i.e., an elementary valid argument form) in which the first premise is a conditional, the second premise the denial of the consequent of that conditional, and the conclusion the denial of the antecedent of that conditional. Formally, $p \supset q; \neg q; \therefore \neg p$
<b>Зарурый чин</b>	Муроҳазаларнинг қийматини ифодаловчи тушунча	necessary truth A proposition that cannot be false.
<b>Инкор муроҳаза</b>	Мантиқда бирор предметда бирор	negative proposition In categorical

	белгининг мавжудлигини рад этувчи мuloҳаза. Умумий инкор ва жузъий инкор мuloҳазалар шундай мuloҳазалардир.	logic, a proposition that asserts that one class is excluded from another, either totally or partially. A proposition that denies class membership. If the claim is one of totality, then the proposition is universal (No S are P). If the claim is one of partiality, then the proposition is particular (Some S are not P).
<b>Обверсия</b>	Айлантириш (лот. abversio) - бевосита ҳулоса чиқариш бўлиб, бунда тасдиқ ҳукм инкорга ёки инкор тасдиқ ҳукм ҳолига келтирилади. Айлантириш натижасида ҳукмнинг сифати ўзгарида, лекин мазмуни сақланиб қолади.	obversion In categorical logic, an immediate inference that proceeds by (1) changing the quality of the proposition and (2) replacing the predicate term by its complement. The initial proposition is known as the obvertend; the resulting proposition is known as the obverse.
<b>О мuloҳаза</b>	ЖУЗЪИЙ ИНКОР ҲУКМ – миқдор жиҳатидан жузъий, сифат жиҳатидан инкор ҳукмдир. Унинг формуласи: Баъзи “S–P эмас”. Мак. “Баъзи аргументлар ишончли эмас”. Лотин тилида “O” ҳарфи билан белгиланади	O proposition In categorical logic, a particular negative standard-form categorical proposition: Some S are not P. See (1) A proposition, (2) E proposition, (3) I proposition, and (4) standard-form categorical proposition
<b>Қарама-қаршилик (оппозиция)</b>	мантиқда умумий тасдиқ (A) ва умумий инкор (E) ҳукмлар ўртасидаги қарама-қаршилик муносабати. Қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин бўла олмайди. Бу ҳукмлар бир вақтда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, хато бўлади.	opposition In categorical logic, two standard-form categorical propositions having the same subject and predicate terms are opposed to one another when they differ in quality or in quantity or in both. The square of opposition depicts (displays) the various types of opposition between A,E,I, and O propositions. A and E, for example, are opposed in quality, A being affirmative and E being negative, A and I are opposed in quantity, A being universal and being particular. A and O propositions are opposed in both quantity and quality, A being universal affirmative and O being particular negative. See (1) square of opposition and (2) standard-form categorical proposition
<b>Паралогизм</b>	фикр юритиш жараёнида билмасдан йўл қўйилган мантикий хато.	paralogism Any fallacious reasoning.
<b>Предикатлар мантиғи</b>	Предикатлар мантиғи (ёки функционал мантиқ, квантификациялаш назарияси, квантор мантиғи) – замонавий (математик, символик) мантиқнинг асосий бўлими бўлиб, унда ҳукмларнинг ички тузилиши (субъект-предикат) ўрганилади.	predicate logic (a.k.a. quantification theory) The logic of predicates, or quantification.
<b>Асос</b>	Асос – бирор концепция ёки мuloҳазани қабул қилиниши учун келтирилган ишончли аргументлар ёки далиллар.	Premise In an argument, a proposition (there may be more than one) that is affirmed (or assumed) as providing support or reasons for accepting the conclusion. A member of the set of propositions, assumed for the course of

		an argument, from which a conclusion is inferred.
<b>Исботлаш</b>	ИСБОТЛАШ – бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғлиқ башқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантикий амал. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.	proof Demonstration of validity (or, in the case of propositions, demonstration of truth). With regard to validity, a proof that a given argument is valid is a sequence of propositions each of which is either a premise of that argument or follows from preceding propositions of the sequence by an elementary valid argument form, and the final proposition in the sequence is the conclusion of the argument whose validity is being proved.
<b>Силлогизм</b>	Икки асос ва хulosадан иборат бўлган дедуктив хulosा чикариш.	cyllogism A deductive argument consisting of two premises and a conclusion.
<b>Транзитив муносабат</b>	Транзитивлик – (лот. transitus - ўтиш) муносабатларнинг шундай хусусияти, унга кўра ўзаро муносабатда бўлган буюм ва ҳодисалардан биринчисининг иккинчиси билан, иккинчисининг эса учинчиси билан муносабатларини қиёслаш мумкин бўлса, унда биринчиси билан учинчисининг муносабатини ҳам қиёслаш мумкин.	transitivity A relation such that if one thing has that relation to a second and the second has that relation to a third, then the first must have that relation to the third.
<b>Касбий одоб (инглиз тилида Professional ethics)</b>	Жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи умумий ахлоқнинг хос кўриниши	encompass the personal, organizational, and corporate standards of behavior expected of professionals.
<b>Инсонпарварлик (инглиз тилида Humanism)</b>	инсонни улуғловчи, инсон шахсини қобилияtlарининг максимал ривожланиши ва инсонга лойик ҳаёт шароитини яратишга қаратилган таълимот	is a philosophical and ethical stance that emphasizes the value and agency of human beings, individually and collectively.
<b>Этикет (инглиз тилида Etiquette)</b>	такаллуфнинг майдо-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари.	Is a code of behavior that delineates expectations for social behavior according to contemporary conventional norms
<b>Санъат(инглиз тилида Art)</b>	Инсон томонидан воқеликни бадиий образлар орқали акс эттирувчи ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли.	is a diverse range of human activities in creating visual, intended to be appreciated for their beauty or emotional power.

### **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ахледдинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. Т.: Фан, 2006
4. Мухамедова З. Таълим фалсафаси. -Т.: ТошМИ, 2016.
5. Мухамедова З.М. Гуманизация образования. Т.: ТошМИ, 2015
6. Шермуҳамедова Н.А. Таълим фалсафаси.-Т.: Адабиёт учқунлари. 2018, - 193 б.
7. Гусиньский Б.С., Турчанинов Ю.И. Введение в философию образования. М.: 2000
8. Шарипов Ф. Проблемы гуманизации и гуманитаризации образования// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. 2003, №1/2
9. Ангеловски К. Учитель и инновации. М.: Наука, 1991. С.42.
10. Шермуҳамедова Н.А. Горизонты инновационного движения в современном отечественном образовании // Модернизация высшего образования и науки// Сборник научных трудов Алмаата. 2012
11. Shermuhamedva N.A. Ilmiu tadqiqot metodologiyasi -Т.: Fan va texnologiyalar, 2014.460 б.
12. Балабанов и.Т. Инновационный менеджмент. СП(б), 2000, 120 с.А.
13. Черепанов Н.В. Традиции и новации: социально-философский анализ. Автореф..... канд. филол. наук. М.: 2007, 13
14. Шермуҳамедова Н.А. Гносология – билиш назарияси.-Т.: Ношир, 2011
15. Шермуҳамедова Н.А. Социально-философский анализ стиля научного мышления. Дисс. докт филос. Наук -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2002
16. Шермуҳамедова Н.А. Фалсафа- ўқув услубий мажмуга. Т.: Ношир, 2012
17. Шермуҳамедова Н.А. Фан фалсафаси. Т.: Ношир, 2012
18. Шермуҳамедова Н. Falsafa va fan metodologiyasi. Toshkent 2008 – 436 б
19. Энгельмайер П.К. Теория торчества. М.: Либроком, 2010, 208 с.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

20. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
21. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
22. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
23. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
24. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

